

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

Б. А. РАЖАБОВ

ГУВОҲЛАНТИРИШ ТЕРГОВ
ҲАРАКАТИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ
ВА ТАКТИКАСИ

Ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ–2018

Тақризчилар:

юридик фанлар доктори, доцент **Д. М. Миразов**;
юридик фанлар номзоди, доцент **Б. А. Муродов**

Р-15 Ражабов Б.А.

Гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби ва тактикаси: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 70 б.

Ўқув қўлланмада жиноят процессида гувоҳлантириш тергов ҳаракатининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари, ушбу тергов ҳаракатини ўтказишнинг процессуал-ҳуқуқий асослари ҳамда процессуал, ташкилий ва тактик хусусиятлари ҳамда гувоҳлантириш натижасида олинган маълумотлардан исботлашда фойдаланиш масалалари батафсил ёритилган. Бир қатор хориж мамлакатларининг ушбу мавзуга оид қонун нормалари қиёсий таҳлил қилинган.

ИИВ Академиясининг тингловчи ва курсантлари, профессор-ўқитувчиларига, шунингдек, ҳуқуқшунослик таълим муассасалари талабалари ва ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ходимларига мўлжалланган.

КБК 67.99(5У)8-9я73

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018

КИРИШ

Сўнгги йилларда қабул қилинаётган, бевосита тергов ва суд жараёнида шахс ҳуқуқларининг таъминланишини мустаҳкамлашга қаратилган қонун ва қонуности меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларлар тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида иштирок этаётган шахслар, энг аввало, гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг кафолатларини кучайтиришга қаратилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида акс эттирилган принципларга мувофиқ жиноий жазо тизими ва суд ишларини юритиш босқичма-босқич либераллаштирилаётганлиги, умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилганлиги, судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча тергов юритишга қайтариш тартибининг бекор қилинганлиги, ярашув институтининг киритилганлиги, ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо тури жорий этилганлиги, қамоқ жазоси бекор қилиниб, озодликни чеклаш ва мажбурий жамоат ишлари жазоларининг жорий этилганлиги, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилганлиги, жиноят процессида ҳимоячига далил тўплаш ҳуқуқининг берилганлиги, шунингдек жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш концепциясининг яратилиши ва бошқа бир қатор янгиликлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ соҳасида улкан ислохотларнинг мустаҳкам пойдеворини яратди. Ушбу Стратегияда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги

ташқи сиёсатни изчил давом эттириш каби масалалар тараққиётимизнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб олинди.

Албатта, демократик ҳуқуқий давлатда қонун устуворлигининг таъминланиши ва суд-ҳуқуқ тизимининг демократик ҳуқуқий тамойиллар доирасида ислоҳ қилиниши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига катта масъулият юклайди. Бу борада қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принципларни сўзсиз ва оғишмай таъминлаш, суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш, жиноят-процессуал қонунчиликни янада такомиллаштириш каби масалалар энг устувор вазифалар сифатида намоён бўлмоқда¹.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу ўқув қўлланма қайд этилган устувор вазифаларнинг мукамал ижросини таъминлашга хизмат қилади, десак муболаға бўлмайди. Чунки гувоҳлантириш тергов ҳаракати сифатида Жиноят-процессуал ҳуқуқи фанида ўрганиладиган шахс ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қиладиган ҳаракатлардан бири бўлиб, уни ўтказиш тартиби ва тактикасини мукамал билиш мазкур ҳаракатни ўтказишда шахс ҳуқуқ ва эркинлари таъминланишининг муҳим омили ҳисобланади. Ушбу ўқув қўлланма китобхоннинг гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби ва тактикаси бўйича назарий билим ва кўникмаларини бойитишга хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПФ-5268-сонли «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони // URL: <http://Lex.uz>.

1-§. ГУВОҲЛАНТИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Тарихдан маълумки, республикаимиз ҳудудида мавжуд бўлган қадимги давлатларда жиноят ва жазо тизими эрамининг VII–VIII асрига қадар одат ҳуқуқи¹ ҳамда зардўштийлик динининг асосий манбаси бўлган «Авесто» китоби асосида тартибга солинган². Араблар босқинидан то чор Россияси босқинига қадар эса, мамлакатимиз ҳудудидаги феодал давлат тузилмаларида, яъни Хива ва Қўқон хонлиги ҳамда Бухоро амирлигида жиноят ва жазо тизими одат нормалари билан биргаликда, диний-исломий қарашлар сингдирилган шариат нормалари билан ҳам тартибга солинган³. Бу даврда жиноят ишларини юритувчи олий суд ҳокимияти сўзсиз равишда хон ва амирнинг назорати остида иш юритган⁴. Хон ушбу судга раислик қилувчи қози калонни, яъни олий судяни лавозимга тайинлаган ва шу билан биргаликда, уни лавозимидан озод этиш ваколатига ҳам эга бўлган. Қозилик суд ишларининг юритилишида дастлабки тергов деган тушунчалар умуман бўлмаган⁵.

Қозилик судлари шариат нормалари асосида далилларнинг уч хил кўринишини эътироф этишган, яъни:

- а) айбига иқрорлик;
- б) гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш;
- в) қасам ичган ҳолда маълумотнинг тасдиқланиши.

«Айбдорнинг ўз қилмишига иқрор бўлганлиги, ҳақиқатни аниқлашдаги энг яхши далил» эканлиги Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя»⁶ китобида келтириб ўтилганлиги ушбу фикрларнинг яққол далолатидир.

¹ *Исҳоков С. А.* «Ҳидоя»нинг мусулмон ҳуқуқи манбаи тизимида тутган ўрни // *Ҳуқуқ–Право–Law.* – 2003. – № 2. – Б.56.

² *Саидахмедов И.* Давлат ва ҳуқуқ тарихи. – Т., 2006. – Б.74.

³ *Раҳмонов А.* Шариатда инсон ҳуқуқлари // *Ҳуқуқ–Право–Law.* – 1999. – № 3. – Б.79.

⁴ *Бакиров Ф.* Чор Туркистонида суд, шариат ва одат. – Т., 1967. – Б.30.

⁵ *Исҳоков С. А.* Фикҳ – мусулмон ҳуқуқшунослигининг шаклланиши // *Ҳуқуқ–Право–Law.* – 1999. – № 3. – Б. 83.

⁶ *Бурҳониддин Марғиноний.* Ҳидоя. Т.2. – Т., 1893. – Б.2.

Юқорида келтирилган маълумотлар ўша даврларда республикамиз ҳудудидаги феодал давлат тузилмаларида гувоҳлантириш тергов ҳаракати шаклланмаган ва амалга оширилмаган, деган хулосага келиш имконини беради.

Кейинчалик юртимиз ҳудудлари чор Россияси томонидан босиб олингандан сўнг суд соҳасида бир қанча қонуний актлар қабул қилинган бўлса-да, қозилик ва бийлик судлар томонидан шарият ва одат нормаларининг қўлланилишини тақиқламаган¹.

1922 йилда РСФСР ЖПК қабул қилингандан кейин ушбу Кодекс иттифоқдош республикалар билан бир қаторда мамлакатимиз ҳудудида ҳам амал қила бошлаган. Ушбу ЖПКда гувоҳлантириш тергов ҳаракати сифатида мавжуд бўлганлиги учун шу вақтдан бошлаб республикамиз ҳудудида илк бор гувоҳлантириш ўтказила бошланган. 1923 йилнинг март ойида ТАССР Соғлиқни сақлаш халқ кўмитаси суд тиббиёти экспертлари учун йўриқнома лойиҳасини ишлаб чиққан ва ҳаётга татбиқ этишни бошлаган². Ушбу қўлланмада суд-тиббий гувоҳлантириш ўтказиш қоидалари ҳам ўрин олган бўлиб, у фақат тиббиёт ходимлари томонидан ўтказиладиган тирик шахсларни суд-тиббий гувоҳлантиришни ўз ичига олган.

1926 йил 16 июнда Ўзбекистон ССРнинг биринчи ЖПК қабул қилинган ва шу йилнинг 1 июлидан амалга киритилган. Шу санадан эътиборан, 1922 йилдаги РСФСР ЖПКнинг Ўзбекистонда амал қилиши тўхтатилган. Ушбу Кодекснинг XV бобида гувоҳлантириш кўздан кечириш тергов ҳаракати билан биргаликда жойлаштирилган. Бунда гувоҳлантиришнинг вазифалари қандай, тергов ҳаракатлари тизимида мустақилми ёки кўздан кечиришнинг таркибий қисми сифатида қаралганми, деган саволларга аниқ жавоб олиш мумкин бўлмаган. Бу Кодекс 1922 йилдаги РСФСР ЖПК асосида қабул қилинганлиги боис, унга жуда ўхшаш нормалардан таркиб топган. Ушбу Кодексдан кейин 1959 йилги Ўз.ССР ЖПК қабул қилингунга қадар яна битта Ўз.ССР ЖПК қабул қилинган. 1929 йилнинг 29 июнида қабул қилинган ва шу йилнинг 1 августидан амалга киритилган ушбу Кодексда 1926 йилги кодексдан фарқли ўлароқ, кўздан кечириш ва гувоҳлантиришга алоҳида боб бағишланмаган ва бу тергов ҳаракатлари «Дастлабки

¹ Абдумажидов Г. Развитие законодательства о расследовании преступлений. – Т., 1974. – С.8.

² Ўша манба. – Б.23.

тергов» деб номланган бобга таркибий қисм сифатида киритилган. Бундан ташқари, ушбу Кодексда тергов ҳаракатлари баённомалари ҳақида ҳам боб ажратилмаган.

«Гувоҳлантириш» атамасининг махсус адабиётларда бир неча йиллар илгари қўлланилганлигини кўриш мумкин. Бу атама дастлаб 1842 йилда чиқарилган Суд-медицина уставида келтирилган¹.

«Гувоҳлантириш» атамасининг юридик маънода қўлланилиши узоқ тарихга эга. Махсус адабиётларда бу атама асосан мурдаларни суд-тиббий мақсадларда текширишни тавсифлаб, тирик шахсларни текширишга қаратилган ҳаракатларни ифодалаш учун ишлатилган. Масалан, А. Вайнгарт гувоҳлантиришни шифокорнинг ҳаракатларидан таркиб топган тушунча деб қараган. Унинг фикрича, гувоҳлантириш жараёнида шахснинг баданидаги иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳар хил изларни излаш керак бўлганда «кўздан кечириш» ҳаракатини амалга ошириш керак².

Ўша даврнинг жинойт-процессуал қонунчилиги бўйича гувоҳлантириш ва кўздан кечириш ҳаракатлари фарқланмагани боис, уларни амалга ошириш учун ягона процессуал тартиб назарда тутилган.

Гувоҳлантириш тергов ҳаракати сифатида илк маротаба 1959 йилги Ўзбекистон ССР ЖПКнинг 14-бобида кўздан кечириш тергов ҳаракати билан бирга ёритилган³.

«Гувоҳлантириш» атамасининг луғавий маъносига «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «Гувоҳлар, зарурий хужжатлар орқали тасдиқламоқ, расмийлаштирмақ» деб изоҳ берилган⁴. 1981 йилда нашр этилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ҳам «гувоҳлантириш» атамасига шунга ўхшаш изоҳ берилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Яъни, ушбу луғатда «гувоҳлантирмақ – гувоҳлик бериб ёки гувоҳлар чақириб тасдиқламоқ» деб изоҳ берилган⁵. Шу ўринда «гувоҳлантириш» атамасини рус тилидаги «освидетельствование» атамасидан нотўғри таржима қилинганлиги кўзга ташла-

¹ Судебная медицина: Учебник. – М., 1974. – С.7.

² *Вайнгарт А.* Уголовная тактика: Руководство к расследованию преступлений. – Овруч, 1910. – С. 392.; *Винницкий Л.В.* Теория и практика освидетельствования на предварительном следствии. – Караганда, 1982. – С.7.

³ Уголовно-процессуальный кодекс Узбекской ССР. – Т. 1978. – С.80.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т. 5. – Т., 2006. – Б.515.

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М., 1981. – Б.195.

нади. Чунки гувоҳлантириш бирон-бир ҳолатнинг, изнинг мавжудлигини аниқлаш, тасдиқлаш маъносида изоҳланади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейин, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодексида (кейинги ўринларда ЖПК) 1959 йилги ЖПКдан фарқли ўларок, кўздан кечириш ва гувоҳлантириш тергов ҳаракатлари алоҳида бобларга ажратилиб, уларни ўтказиш асослари ва тартиби қонуний жиҳатдан мустақамлаб қўйилди. 1994 йилги Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 17-бобидаги 142-147-моддалар ва 52-бобдаги 445-модда гувоҳлантириш тергов ҳаракатига бағишланган. Ушбу кодекснинг 142-моддасида гувоҳлантириш учун асослар келтирилган бўлиб, унга кўра, «гувоҳлантириш:

1) одамнинг баданидаги иш учун аҳамиятга молик хусусият ёки аломатларни, алоҳида белгиларни, унинг жисмоний ривожланганлиги тўғрисидаги маълумотларни, доғларни, тирналган, шилинган, қонталаш жойларни топиш зарурати туғилган ҳолларда, агар бунинг учун экспертиза ўтказиш лозим бўлмаса;

2) экспертиза ўтказишни талаб қилмайдиган усулларни қўллаш йўли билан шахснинг мастлик ва бошқа физиологик ҳолатини аниқлаш зарурати туғилган ҳолларда ўтказилади».

Шундай қилиб, ушбу модданинг мазмуни билан «гувоҳлантириш» атамасининг турли хил талқинига чек қўйилган. Яъни, унда шахснинг баданида жиноят изларини ва алоҳида белгиларни аниқлаш учун терговчи томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракат белгиланган. Бунда, агарда махсус тиббий билимлардан фойдаланиш талаб этиладиган бўлса, суд тиббиёти экспертизаси ўтказилиши белгиланган¹.

Ўз.ССР ЖПКнинг 164-моддаси билан ЎзР ЖПКнинг 142-146-моддалари таққослаб кўрилганда, ЎзР ЖПКнинг 142-моддасида ҳал қилиш назарда тутилган вазифалар доираси кенгроқ эканлигига гувоҳ бўламиз.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКда назарда тутилган гувоҳлантиришнинг дастлабки тергов босқичида процессуал тартибга солинишини 1959 йилги Ўзбекистон ССР ЖПК билан таққослаб

¹ Прохоров Г.В. Теоретические и методические основы судебно-экспертной ситуологии: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Киев, 1993. – С.7; Дознание и предварительное следствие (в вопросах и ответах): Практическое пособие. – М., 1965. – С.88-89.

ўрганиш айрим умумий ва алоҳида ҳолатларни қайд этиш имконини беради. *Биринчидан*, қонун чиқарувчи гувоҳлантиришни аввалгидек кўздан кечириш билан бир бобга жойлаштирмасдан, уларни алоҳида бобларга ажратган ва шу тариқа мазкур процессуал ҳаракатлар мустақил эканлигини таъкидлаган. *Иккинчидан*, гувоҳлантириш терговчи чиқарган ва гувоҳлантирилувчи шахс учун мажбурий ҳисобланган қарорга биноан ўтказилади. *Учинчидан*, гувоҳлантиришда шифокор иштирок этиши, шунингдек терговчи гувоҳлантирилаётган шахсдан бошқа жинсга мансуб бўлса, гувоҳлантирилувчининг бадани шифокор томонидан бевосита текширилиши назарда тутилган. *Тўртинчидан*, мазкур процессуал ҳаракатни ўтказиш ҳуқуқи берилган субъект тўғрисидаги масала ҳам шундай ҳал қилинган. Бундай субъект сифатида терговчи кўрсатилган. Аммо амалдаги ЖПКнинг 37, 39 ва 382-моддаларидаги талаблардан келиб чиқадиган бўлсак, кўрсатилган процессуал ҳаракат терговчидан ташқари прокурор, тергов бўлими бошлиғи, суриштирувчи томонидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон ССР ЖПКнинг 164-моддаси каби, амалдаги ЖПКнинг 146-моддасида ҳам гувоҳлантиришда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 69-моддаси талабларига мувофиқ мутахассис ролини бажарувчи шифокорнинг иштироки назарда тутилган. Шифокор тиббиёт соҳасида махсус билимларга эга бўлган шахс сифатида терговчига, аввало, тан жароҳатларини, алоҳида белгиларни ёки уларни йўқотиш изларини аниқлашда ёрдам беради. У мазкур жароҳатлар ва белгиларни уларнинг номи, ўрни, ҳажми, вужудга келиш хусусияти, ранги ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиб, тўғри тавсифлашга, шунингдек уларни олишга ёрдам беради. Шу билан бир вақтда шифокор терговчининг топшириғига биноан гувоҳлантирилувчи шахснинг баданини бевосита текширишни амалга ошириши ва ЖПКда кўрсатилган бошқа тергов ҳаракатларидан фарқли равишда, 147-модданинг 2-қисми асосида гувоҳлантириш баённомасини тузиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, гувоҳлантириш тергов ҳаракатининг тарихий ривожланиш босқичлари қуйидагилардан иборат бўлган:

биринчидан, бу ҳаракат илк бор фақат суд тиббиёти ходимлари томонидан ўтказилган ҳаракат сифатида таърифланган ва унинг объекти тирик шахслар ҳисобланган. Кейинчалик терговчилар шахснинг баданини кўздан кечириш учун гувоҳлантириш ҳаракатидан фойдаланишни бошлаганлар;

иккинчидан, Ўзбекистон ССРнинг 1926 йилдаги ЖПКда бу ҳаракат XV бобда кўздан кечириш тергов ҳаракати билан унинг алоҳида тури сифатида келтирилган, аммо унинг вазифалари қайд этилмаган ва кўздан кечириш ҳаракатидан ажратилмаган;

учинчидан, Ўзбекистон ССРнинг 1929 йилдаги ЖПК ҳажм бўйича аввалги ЖПКга нисбатан анча қисқартирилган ва бунинг оқибатида кўздан кечириш ва гувоҳлантириш тўғрисидаги XV бобнинг мазмуни «Дастлабки терговнинг умумий масалалари» деган бобда ўз ифодасини топган. Натижада гувоҳлантиришнинг ҳуқуқий аҳамияти саёзлашган;

тўртинчидан, Ўзбекистон ССРнинг 1959 йилдаги ЖПКда бу ҳаракат кўздан кечириш тергов ҳаракати билан XIV бобда қайд этилган бўлиб, бир биридан ажратилмаган;

бешинчидан, Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилдаги ЖПКда гувоҳлантиришга алоҳида мустақил тергов ҳаракати сифатида қаралиб, унга 17-бобдаги 142–147-моддалар, 52-бобдаги 445-модда бағишланган. Энг муҳими, гувоҳлантириш кўздан кечириш тергов ҳаракатидан ажратилиб, унинг вазифалари сезиларли даражада кенгайтирилган.

Таъкидлаш жоизки, илмий адабиётларни ўрганиш «гувоҳлантириш» атамаси жиноят-процессуал ва криминалистик назария ва амалиётда ҳам, миллий ва хорижий процессуалистлар ва криминалистларнинг асарларида ҳам «кўздан кечириш» атамаси билан бир қаторда ишлатилганини кўрсатади¹. «Гувоҳлантириш» атамаси билан шифокор ёки суд тиббиёти мутахассиси ёхуд дастлабки тергов ёки суд ишларини амалга оширувчи шахснинг дастлабки тергов ва ишни судда кўриш босқичида иш бўйича зарур далилларни олишга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш чоғидаги фаолияти ифодаланган. Бунда гувоҳлантириш ва кўздан кечириш жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам, олимларнинг асарларида ҳам фарқланмаган. Бу процессуал ҳаракатлар одамга, мурда ёки унинг қолдиқларига, шунингдек кийимга нисбатан ўтказилган.

¹ *Божьев В. П.* Комментарий к уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации. – М., 1997. – С.321; Криминалистика: Учебник / Под ред. Б.А.Викторова и проф. Р.С.Белкина., – М., 1976. – С.268; Криминалистика: Учебник / Под ред. проф. И.Ф.Крилова. – Л., 1976. – С.318-319.

2-§. ГУВОҲЛАНТИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Жиноят-процессуал ҳуқуқда гувоҳлантириш тергов ҳаракати дастлабки тергов босқичида ЖПКнинг 17-боби 142-147-моддалари ва суд босқичида ЖПКнинг 445-моддаси асосида ўтказилиши ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган. Мазкур ҳуқуқий асосларни гувоҳлантирилувчи шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш механизми асосида ҳаракат қилишини кўриб чиқамиз.

Гувоҳлантиришни ўтказишнинг ЖПКда ўз аксини топган хусусиятларига қуйидагилар киради:

- гувоҳлантиришни ўтказиш тўғрисида қарор чиқариш;
- гувоҳлантирилувчи шахсга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тушунтирилиши;
- гувоҳлантириш мажбурий тартибда ўтказилиши мумкинлиги;
- терговчига нисбатан ўзга жинсга мансуб бўлган гувоҳлантирилувчи шахснинг бадани текширилганда, терговчининг иштирок этиши мумкин эмаслиги;
- агар гувоҳлантириш шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлса, бир жинсдаги холислар иштирок этиши;
- гувоҳлантиришнинг соат 6:00 дан 22:00 га қадар ўтказилиши;
- гувоҳлантирилувчи шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ёки унинг соғлиғи учун хавфли бўлган ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги;
- гувоҳлантириш жараёнида шахс ҳуқуқларининг таъминланиши зарурлиги.

Юқорида таъкидланганидек, гувоҳлантиришни ўтказиш асослари ЖПКнинг 142-моддасида кўрсатилган бўлиб, унга кўра, бир қатор вазифаларнинг ҳал қилиниши ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади. Гувоҳлантиришнинг ушбу вазифалари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, уни икки гуруҳга ажратишимиз мумкин. Биринчи гуруҳ одам баданида: а) иш учун аҳамиятга молик хусусият ёки аломатлар; б) алоҳида белгилар; в) шахснинг жисмоний ривожланганлиги тўғрисидаги маълумотлар; г) тан жароҳатларини; иккинчи гуруҳ: а) мастлик ҳолатини; б) бошқа физиологик ҳолатини аниқлашга қаратилган.

Биринчи гуруҳ вазифаларини таҳлил қиладиган бўлсак, *иш учун аҳамиятга молик хусусият ёки аломатлар* деганда, гувоҳлантирилувчи шахснинг касби ёки одатларига ишора қилувчи хусусият ва белгилар, масалан, бирор-бир ишни бажариш натижасида вужудга келадиган қўлдаги кадоқлар, қўл ва тирноқларнинг алоҳида туси, терига турли чанглар ёки бошқа ишлаб чиқаришдан чиқадиган кирларнинг кириб қолганлиги, нафас олиш хусусиятлари, бирор ишни бажариш одатлари ва шу кабилар тушунилади.

Биринчи гуруҳга киритилган кейинги вазифа шахснинг баданидаги иш учун аҳамиятга эга бўлган *алоҳида белгиларни* аниқлашдан иборатдир.

Жиноят ишларини ўрганиш натижалари амалиётда ҳар доим ҳам гувоҳлантиришнинг шахс баданидаги алоҳида белгиларни аниқлаш вазифаси ЖПКда кўрсатилган қонуний асослар бўйича амалга оширилмаётганлигидан далолат бермоқда. Масалан, С. исмли фуқаро ИИБга ариза орқали мурожаат этиб, номаълум бир киши унга зўрлик ишлатиб номусига текканлигини маълум қилган. Жиноят иши бўйича жабрланувчи сўроқ қилинганида, у ўзининг кўрсатувида жиноятни содир этган шахснинг ўнг елкасида илонга ўхшаб чизилган татиуровка борлигини кўрганлигини баён қилган. Дастлабки суриштирув ва тергов натижасида ушбу жиноятни содир этганликда гумон қилиниб олиб келинган А. исмли фуқаро айбига иқрор бўлмаган бўлса-да, гувоҳлантириш қарори ва баённомаси тузилмаган ҳолда, унинг ўнг елкасигача бўлган жойи яланғочланиб татиуровкаси фототасвирга олинган ҳамда бу фототасвир гувоҳлантириш баённомасига эмас, балки кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатининг баённомасига илова қилинган. Ваҳоланки, шу тариқа ўтказилган гувоҳлантириш натижасида жиноят очилган¹.

Бундан ташқари, амалиётда суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан шахснинг баданидаги алоҳида белгиларни аниқлаш масалалари айрим ҳолларда гувоҳлантириш эмас, балки бошқа тергов ҳаракатлари натижасида аниқланганлиги, шунингдек ЖПК талаблари бўйича ушбу ҳолатда гувоҳлантириш тергов ҳаракати

¹ Тошкент шаҳри Яшнобод туман суди архивидаги 34/08-1759-сонли жиноят иши материаллари.

ўтказилиши лозим бўлса-да, ўтказилмаган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Масалан, Д. исмли фуқаро ИИБга ёзган аризасида ўзига таниш бўлмаган М. исмли шахс унга зўрлик ишлатиб номусига текканлигини ва жинсий эҳтиёжини ғайритабiiй усулда қондирганлигини маълум қилган. Ушбу ҳолат бўйича ЖК 118 ва 119-моддаларининг тегишли қисмлари билан жиноят иши қўзғатилиб, жабрланувчи сўроқ қилинганида, уни зўрлаган М. исмли шахснинг жинсий олатида юракнинг тасвири туширилган белгининг борлигини кўрганлигини баён қилган. М. исмли шахс гумон қилинувчи сифатида ИИБга олиб келинганида, у ўзининг айбига умуман иқроп бўлмаган. Жиноят иши бўйича гувоҳлантириш ўтказиш лозим бўлса-да, ўтказилмаганлиги ва ишдаги айблов далиллари фақатгина сўроқ ва юзлаштириш тергов ҳаракатларининг натижаларига асосланиб тузилганлиги жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқилиш босқичига олиб келган¹.

Таъкидлаш жоизки, «алоҳида белгилар» тушунчаси, мазмуни, уларнинг таснифи, жиноят-процессуал ва криминалистик аҳамияти криминалистика фанининг криминалистик техника бўлимларидан бири доирасида ўрганилади. Криминалист Л. П. Баканова ушбу соҳадаги билимларнинг ҳозирги босқичдаги аниқ номи белгиланганлигини ва бу бўлимнинг номи криминалистик габитология эканлигини таърифлаган². Аммо кўрсатилган бўлимларнинг номлари ҳар хил бўлса-да, «алоҳида белгилар» тушунчаси одамнинг ташқи белгилари ҳақидаги криминалистик таълимот билан узвий боғлиқ.

Гувоҳлантиришни ўтказиш жараёнида алоҳида белгилар билан бир қаторда умумий жисмоний белгилар ва мазкур шахснинг муайян ирқ, миллат, халққа мансублигидан далолат берувчи белгилар аниқланиши мумкин. Бу белгиларни аниқлаш кўз билан қараб идрок этиш орқали амалга оширилиши мумкин бўлиб, билишнинг бошқа шаклларида, текширишнинг махсус методлари ёки усулларида фойдаланиш талаб этилмайди.

Гувоҳлантиришнинг биринчи гуруҳ вазифаларига кирувчи навбатдаги вазифаси *шахснинг жисмоний ривожланганлиги ҳолатини* аниқлашдир. Шахснинг жисмоний ривожланганлиги унинг гавдасининг тузилиши, катта ёки кичиклиги, баданидаги

¹ Тошкент шаҳри Яшнобод туман суди архивидаги 8/08-9937-сонли жиноят иши материаллари.

² Баканова Л. П. Криминалистика. Ч. I. – Т., 2005. – С.113.

аъзоларининг нормал ёки бошқача ҳажмга эгаллиги, кўл ёки оёқ мушакларининг бақувватлиги ёки кучсизлиги, жинсий аъзоларнинг (эркакларда жинсий олати, аёлларда сут безлари) жудаям катта ёки кичиклиги ва шунга ўхшаш ҳолатлар тушунилади.

Шахснинг танасидаги *тан жароҳатларини, яъни тирналган, шилинган, қонталаш жойларни аниқлаш* ЖПКнинг 142-моддасида гувоҳлантиришнинг мустақил вазифаси сифатида белгиланган. Илгари тан жароҳатлари «жиноят излари» тушунчаси билан қамраб олинган, эндиликда қонун чиқарувчи уларни аниқлашни мустақил вазифа сифатида белгилади. Бу бежиз эмас, чунки уларнинг вужудга келиши шахснинг соғлиғига шикаст етказилишига сабаб бўлади, ҳатто баъзан унинг ҳаётига жиддий хавф солади.

Таъкидлаш лозимки, гувоҳлантириш асосан одам баданининг сиртида жойлашган, аниқлаш ва қайд этиш учун махсус тиббий текширувларни талаб этмайдиган тан жароҳатларини аниқлашга қаратилади. Шунини ҳисобга олиб гувоҳлантириш шилинган, қонталаш жойларни аниқлашга қаратилиши лозим. Зеро, санаб ўтилган бошқа жароҳатлар (шу жумладан, бадан ичидаги, қон оқаётган яралар) аниқлашдан ҳам кўра кўпроқ тиббий билимларни талаб этади, чунки уларнинг аксарияти шахснинг соғлиғи ва ҳаёти учун хавфли оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Суд тиббиётида тан жароҳатлари деганда, механик, электр, иссиқлик ва бошқа омиллар таъсирида организмнинг анатомик яхлитлигининг ёки тана аъзолари ва тўқималари функцияларининг бузилиши тушунилади¹.

Гувоҳлантириш жараёнида аниқланиши мумкин бўлган тан жароҳатлари ҳуқуқий адабиётларда, авваламбор, суд тиббиётига оид адабиётларда жароҳатнинг хусусиятига ва жароҳат етказувчи ташқи муҳит омилларига қараб таснифланади. Масалан, тан жароҳатларининг хусусиятига қараб, тирналган, шилинган ва қонталаш жойлар фарқланади.

Юқоридаги фикримизни далиллаш учун ўзимиз ўрганиб чиққан жиноят ишларидан бир қатор мисоллар келтиришимиз мумкин. Масалан, фуқаро Т. ўзаро келишмовчилик оқибатида кўлидаги пичоқ билан фуқаро И. нинг кўкрак қафасининг бир неча қисмига жароҳат етказган. Дастлабки тергов жараёнида фуқаро Т. ўзининг

¹ *Ғиёсов З. А., Ботаев Ж. И., Саидов Ч.Ш.* Суд тиббиёти ва психиатрияси. Ж.1. Суд тиббиёти: Дарслик. – Т., 2006. – Б.26.

кўрсатувида ҳеч ким билан уришмаганлигини ва И. га жароҳат етказмаганлигини баён қилган. Лекин терговчининг топшириғи билан шифокор томонидан гувоҳлантириш ўтказилганда, фуқаро Т. нинг баданида фуқаро И. билан уришганлигидан далолат берувчи жиноятнинг излари, шунингдек тирналган ва шилинган жойлар борлигининг аниқланиши жиноят иши бўйича муҳим далилий аҳамиятга эга бўлган¹.

Гувоҳлантириш жараёнида одам баданини текширишда фақат хусусиятига кўра фарқланадиган тан жароҳатларини аниқлаш ва қайд этиш мумкин. Тан жароҳатларининг юзага келиш механизми, уларнинг оғирлик даражаси ва шу кабиларга келсак, бу масалалар тергов ҳаракати чоғида эмас, балки экспертиза текшируви жараёнида ҳал қилинади. Гувоҳлантириш вақтида фақат бадан юзасида кўриниб турадиган, аниқлаш ва қайд этиш учун махсус тиббий билимларни талаб қилмайдиган тан жароҳатларигина аниқланиши мумкин². Бундай тан жароҳатлари қаторига шилинишлар, тирналишлар ва қонталаш жойлар киради. Ушбу атамаларнинг таърифи суд тиббиёти соҳасида мукамал ўрганилганлигини инобатга олиб, уларнинг кенгроқ таърифини ушбу соҳага оид бўлган махсус адабиётлардан келтираамиз.

Шилинишлар, тирналишлар, қонталаш жойлар асосан ўтмас куруллар (асбоб, буюмлар) таъсиридан ҳосил бўлади³. *Шилинишлар*⁴ деганда, тери юқори қатлами (эпидермис) ёки шиллик пардалар эпителийсининг бузилиши тушунилади. Учли ёки ғадир-будир сиртли нарса тери, бадан юзаси бўйлаб сирғалиши натижасида юзага келган чизиксимон шилинишлар *тирналишлар* деб номланади⁵. Яқинда юзага келган тирналиш пушти ёки оч

¹ Тошкент вилояти Қибрай туман суди архивида бўлган ва 2007 йилда юритилган 17-519-сонли жиноят иши материаллари.

² *Россинская Е. Р.* Криминалистика: Курс лекций. – М., 2003. – С.218.

³ *Жалолов Ж. Ж.* Суд тиббиёти. – Т., 1996. – Б.149.

⁴ *Рубежанский А. Ф.* Судебно-медицинская экспертиза. – Киев, 1976. – С.39; *Торбин Ю. Г., Баранов Е. В.* Освидетельствование подозреваемого на предварительном следствии. – Киев, 1981. – С.38; *Ғиёсов З.А., Ботаев Ж. И., Саидов Ч. Ш.* Суд тиббиёти ва психиатрияси. Ж. I. – Т., 2006. – Б.32.

⁵ *Жалолов Ж. Ж.* Суд тиббиёти. – Т., 1996. – Б.149. *Ғиёсов З.А., Ботаев Ж. И., Саидов Ч. Ш.* Суд тиббиёти ва психиатрияси. Ж. I. – Т., 2006. – Б.32.

қизил рангли бўлади; орадан маълум (бир неча соатдан бир-икки кунгача) вақт ўтгач, тирналган жой қотган қон ва йирингли ажралмалардан зич ғадир-будир пўст билан қопланади, кейинчалик у қуриб, тўкилиб кетади¹.

Қонталаш жой ёки гематома урилган, сиқилган ёки лат еганда, кичик қон томирлар ёрилиши натижасида қон қуйилиши ҳисобига юзага келадиган тери остидаги жароҳатдир².

Қонталаш жой ранги у қачон ҳосил бўлгани ҳақида тахминий бўлса ҳам хулоса чиқариш имконини беради. Яқинда ҳосил бўлган қонталаш жой тўқ қизил рангда бўлади, у бир-икки кун ичида аввал кўкимтир-қизғиш, сўнгра бинафша ранг ва ниҳоят, кўк ёки кулранг-кўк тус олади. Бу ранг уч-олти кун сақланади. Қонталаш жой ҳосил бўлганидан кейин саккиз-ўн бешинчи кунлари у сарғиш тус олади, сўнгра қонталаш жой йўқолиб кетади³.

Шахсни гувоҳлантириш жараёнида тан жароҳатларидан ташқари *бегона моддалар* ҳам аниқланиши мумкин. Улар мазкур шахс жиноят предметлари бўлиши мумкин бўлган сочилувчан нарсаларга тегинганидан ва ҳодиса содир бўлган жойда бўлганлигидан далолат бериши мумкин.

Гувоҳлантириш жараёнида қаттиқ, суюқ ёки газсимон моддалар таъсирида юзага келган *доғлар* кўринишидаги жиноят излари ҳам аниқланиши мумкин⁴. Қон ва спермадан ҳосил бўлган доғларнинг аниқланиши айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Гувоҳлантирилаётган шахс баданида қон доғлари унинг қўлларида, айниқса қўл бармоқларида, билакларида, бўйнида, сочларининг остида, баданининг букиладиган жойлари (қўлтиқ ости,

¹ *Рубежанский А. Ф.* Судебно-медицинская экспертиза. – Киев, 1976. – С.39; *Торбин Ю. Г., Баранов Е. В.* Освидетельствование подозреваемого на предварительном следствии. – Киев, 1981. – С.38.

² *Ғиёсов З.А., Ботаев Ж. И., Саидов Ч. Ш.* Суд-тиббиёти ва психиатрияси. Ж.І. – Т., 2006. – Б.32.; *Рубежанский А.Ф.* Судебно-медицинская экспертиза. – Киев, 1976. – С.39; *Торбин Ю. Г., Баранов Е. В.* Освидетельствование подозреваемого на предварительном следствии. – Киев, 1981. – С. 39; *Жалолов Ж. Ж.* Суд тиббиёти. – Т., 1996. – Б.151.

³ *Торбин Ю. Г., Баранов Е. В.* Освидетельствование подозреваемого на предварительном следствии. – Киев, 1981. – С. 39; *Рубежанский А.Ф.* Судебно-медицинская экспертиза. – Киев, 1976. – С.39.

⁴ *Баканова Л. П.* Криминалистика. Ч. I. – Т., 2005. – С.149.

чот)да, шунингдек сут безлари остида, тирноқ ости ёки сиртида жойлашиши мумкин. Қон изларининг тирноқ остида сақланиш эҳтимоли кўпроқ.

Гувоҳлантирилувчи шахснинг *мастлик ҳолатини аниқлаш* ЖПКнинг 142-моддасига асосан, *гувоҳлантиришнинг иккинчи гуруҳига кирувчи вазифалардан бири ҳисобланади*. Аммо қонун чиқарувчи мастликнинг хусусиятлари ва унга сабаб бўлган ҳолатларни аниқлаштирмаган. Маълумки, мастлик спиртли ичимликлар, айрим турдаги дорилар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар истеъмол қилиш натижасида ёки захарли моддалар ва патологик омиллар таъсирида вужудга келиши мумкин. Мастликнинг асл сабабини фақат мутахассис, аввало шифокор аниқлаши мумкин.

Айни вақтда мастлик даражасини аниқлаш ҳам муҳим бўлиб, бунинг учун махсус билимлар ва тиббий текширувлар талаб этилади. Мастликни аниқлаш имконияти тўғрисида сўз юритганда, қонун чиқарувчи алкоғолдан мастлик ҳолатини назарда тутган бўлса керак. Мазкур ҳолат, аввало, оғиздан алкоғол ҳиди келиши, қаддини тутиб тура олмаслик, нутқининг ўзгариши, қўл бармоқларининг титраши, юз терисининг ранги кескин ўзгариши, вазиятга хос бўлмаган хулқ-атвор, кўзларнинг ҳолати, нутқнинг узук-юлуқлиги, ҳаракатларни бошқара олмаслик каби аломатларда намоён бўлади¹.

Гувоҳлантиришнинг иккинчи гуруҳ вазифалари сирасига кирувчи кейинги вазифаси *бошқа физиологик ҳолатларни аниқлашдан иборатдир*.

Физиологик ҳолатлар тиббиёт фанининг «физиология» деб номланган бўлимида ўрганилади ва одамнинг организмдаги ҳаётий жараёнлар мажмуини ташкил этади. Одамнинг баданини гувоҳлантириш жараёнида биз юқорида қайд этиб ўтган гувоҳлантиришнинг вазифалари ҳам организмдаги ҳаётий жараёнлар, ўзгаришларни қайд этишга қаратилгандир. Қонун чиқарувчи ва «бошқа физиологик ҳолатлар» деганда, ЖПКнинг 142-моддаси 1-қисмида кўрсатилганлардан бошқа физиологик ҳолатларни қайд этиш зарурияти юзага келганда шахс гувоҳлантирилиши кераклигини назарда тутган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига шарҳлар. – Т., 2000. – Б.526.

ЖПКнинг 143-моддасида гувоҳлантириладиган шахслар доираси тартибга солинган. Унга кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчи гувоҳлантирилишлари мумкинлиги, гувоҳ эса, унинг кўрсатувлари тўғрилигини текшириш учунгина гувоҳлантирилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Ўз.ССР ЖПКдан фарқли равишда, амалдаги ЖПКда гувоҳнинг гувоҳлантирилиши бўйича алоҳида тартиб ўрнатилган. Яъни, амалдаги ЖПКда гувоҳ унинг кўрсатувлари тўғрилигини текшириш мақсадидагина гувоҳлантирилиши мумкинлиги, бошқа мақсадларда уни гувоҳлантириш мумкин эмаслиги, бу борада унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг мустаҳкам кафолатини яратган.

ЖПКнинг 144-моддасида эса, гувоҳлантириш ўтказиш учун бу тўғрисидаги қарор ва ажрим чиқарилиши лозимлиги тартибга солинган. Унга кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчининг баданида жиноят излари, иш учун аҳамиятга молик бошқа белгилар ёки унинг ғайритабиий физиологик ҳолати тўғрисида етарли маълумотлар бўлса, гувоҳлантиришни ўтказиш ҳақида суриштирувчи ёки терговчи қарор, суд эса ажрим чиқариши мумкинлиги баён қилинган. Бундан ташқари, амалдаги ЖПКнинг ушбу моддасида Ўз.ССР ЖПКдан фарқли равишда, гувоҳлантириш тергов ҳаракати ўтказиш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда гувоҳлантиришни ким ва қандай мақсадда ўтказиши, кимни гувоҳлантириш кераклиги, гувоҳлантирилиши учун шахс кимнинг ҳузурига ва қачон етиб келиши кўрсатилган бўлиши лозимлиги батафсил ва қонунан мустаҳкамланганлигини шахс ҳуқуқларининг кўшимча кафолати сифатида баҳолаш керак.

Шу ўринда гувоҳлантиришни тайинлаш тўғрисида терговчи чиқарадиган қарорнинг тузилиши ҳақидаги фикрларни ҳам батафсил келтириб ўтиш жоиз. Бу қарор, у ёки бу ҳаракатни ўтказиш тўғрисидаги бошқа қарор каби, уч қисм: кириш, тавсифловчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлиши лозим.

Қарорнинг кириш қисмида қарор чиқарилган вақт ва жой; қарорни чиқарган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими, даражаси ёки махсус унвони; жиноят ишининг сони кўрсатилади.

Қарорнинг асослантирувчи қисмида гувоҳлантиришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинишига асос бўлиб хизмат қилган маълумотлар акс эттирилади. Шу жойда гувоҳлантириш

қайси вазифани ҳал қилишга қаратилганлиги кўрсатилади (алоҳида белгилар, жиноят излари, тан жароҳатларини, мастлик ҳолати мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ва ҳоказо).

Қарорнинг хулоса қисмида гувоҳлантирилувчи шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми; гувоҳлантириш ўтказилган вақт ва жой, шунингдек ёритилиши лозим бўлган ҳолатлар кўрсатилади. Терговчи гувоҳлантиришда иштирок этиш учун шифокор ёки бошқа мутахассисни таклиф қилишни назарда тутган бўлса, бу ҳолат ҳам қарорда акс эттирилади.

Қарорда гувоҳлантирилувчи шахснинг чиқарилган қарор билан таништирилганлиги ҳақида ҳам маълумот бўлиши керак. Чиқарилган қарор терговчи томонидан имзоланади. Шунини қайд этиш лозимки, гувоҳлантиришнинг уни ўтказиш тўғрисида қарор чиқармасдан олинган натижалари далил кучига эга бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, гувоҳлантириш ҳақидаги қарор ёки ажрим гувоҳлантирилувчи шахс учун мажбурийдир (ЖПК 145-м.). Яъни, суриштирувчининг, терговчининг гувоҳлантириш ўтказиш тўғрисидаги қарори ёки суднинг шу ҳақдаги ажрими қайси шахс хусусида чиқарилган бўлса, ўша шахсга нисбатан мажбурийдир. Гувоҳлантиришдан бош тортаётган шахслар мажбурий келтирилиши ва гувоҳлантирилиши мумкин. Бу, албатта, шахс ҳуқуқларини чекловчи ҳолат. Бундай норманинг ЖПКга киритилиши, бир томондан, жиноят иши юзасидан ҳақиқатни аниқлашга, жиноятнинг очилишига, шунингдек айбдорларни жазолашга қаратилган бўлса, иккинчи томондан, гувоҳлантирилувчи шахснинг конституциявий ҳуқуқлари бузилишига олиб келиши мумкин.

Гувоҳлантиришда шахс ҳуқуқларининг кафолати бўлиб, гувоҳлантиришни мажбурий тартибда ўтказиш тўғрисидаги қарорнинг гувоҳлантирилувчи шахсга процессуал ҳаракатни амалга оширишдан олдин эълон қилиниши ва унинг шахсий имзоси билан тасдиқланиши хизмат қилади.

Қайд этиш лозимки, гувоҳлантириш тўғрисидаги қарор гувоҳлантирилувчи шахсга уни ўтказишдан олдин эълон қилиниши билан бир вақтда гувоҳлантирилувчига ЖПКнинг 145-моддаси биринчи қисмидаги «мазкур қарор кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахс учун мажбурий ҳисобланиши ҳақидаги талаби» тушунтирилиши лозим. Ушбу тушунтириш, албатта, шахснинг

шаъни ва кадр-қиммати камситмасдан, унинг ҳуқуқларини пой-мол қилмасдан амалга оширилиши лозим. Бу шахс гувоҳлан-тирилишдан бош тортса, терговчи жиноят иши бўйича исбот-ланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш учун суд тиббиёти экспертизасини тайинлаш ёки мажбурий гувоҳлантиришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Мажбурий гувоҳ-лантириш ўтказиш учун терговчи ИИО ходимларини таклиф қилиб, уларнинг ёрдамида гувоҳлантиришни ўтказди. Бу жараёнда ҳам, албатта, шахс ҳуқуқларининг бузилмаслиги чоралари кўрилиши лозим.

Шу ўринда бир ҳолатга алоҳида тўхтаталиб ўтиш жоиз; маж-бурий гувоҳлантиришда гувоҳлантирилувчи шахснинг қаршили-гига қараб, унинг мажбурлов чегараси қандай бўлиши кераклиги, агарда гувоҳлантирилувчи шахс терговчининг қарорини унинг мақоми бўйича, яъни гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳ сифатида бажаришдан бош тортган тақдирда, қандай жавобгарликка тортилиши ойдинлаштиришни талаб этадиган ҳолат ҳисобланади. Чунки уларнинг барчасининг мажбуриятлари ЖПК бўйича ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган. Масалан, ЖПКнинг 48-моддаси 2-қисми бўйича гумон қилинувчи суришти-рувчи, терговчи, прокурорнинг гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарорлари ва ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа процессуал қарорларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги лозимлиги кўрсатилган. Худди шу мажбурият ЖПК 46-моддасининг 2-қисмида келтирилган айбла-нувчининг мажбуриятларида ҳам алоҳида тарзда кўрсатиб ўтилган.

ЖПКнинг 271-моддасида эса, процессуал мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унда процессуал мажбуриятларни бузганликлари учун жабрланувчилар ва гувоҳлар суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг гувоҳлантиришдан, экспертизадан ўтиш, эксперт текшируви учун намуналар тақдим этиш тўғрисидаги қонуний талабларини бажаришдан бош тортганлик учун қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилишлари мумкинлиги кўрсатилган.

ЖПКнинг гувоҳлантиришни ўтказиш тартибини белгиловчи 146-моддасида гувоҳлантирилувчи ҳуқуқларининг ҳимоя қилини-

ши ва таъминланиши бўйича бир қатор қоидалар мавжуд. Бунга гувоҳлантиришни ўтказиш ҳақидаги қарор ёки ажрим гувоҳлантирилувчига эълон қилиниши ва шу билан бир пайтда, гувоҳлантирилувчи ва бошқа барча иштирокчиларга уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Ушбу қоида гувоҳлантириш жараёнида иштирок этаётган бошқа иштирокчилар билан бир қаторда, гувоҳлантирилувчига ҳам унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиши лозимлигини назарда тутади.

Агарда бу қоидага амал қилмаган ҳолда гувоҳлантириш ўтказилса, гувоҳлантирилувчи шахснинг ҳуқуқлари бузилади ва натижада гувоҳлантириш жараёнида олинган маълумотлар далилий аҳамиятини йўқотади. Бошқача қилиб айтганда, гувоҳлантириш тергов ҳаракатининг ўтказилиши мобайнида гувоҳлантирилувчи шахснинг қандай ҳуқуқларга эга эканлиги ва мажбуриятлари тушунтирилмаса, гувоҳлантиришнинг механизми бузилади.

ЖПКда гувоҳлантиришнинг ҳуқуқий тартибга солинганлиги гувоҳлантирилувчининг ҳуқуқларини таъминлаш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш каби ҳолатлар билан ҳам чамбарчас боғланган. Чунки, маълумки, гувоҳлантиришнинг амалга оширилиши шахс ҳуқуқларига ва унинг бадани дахлсизлигига маълум даражада чеклов ўрнатиш билан боғлиқ равишда амалга оширилади. Мисол тариқасида ЖПКнинг 146-моддаси 3-қисми билан гувоҳлантирилувчи шахснинг тана дахлсизлиги ҳуқуқи алоҳида тартибда ҳимояланганлигини келтиришимиз мумкин. Яъни, гувоҳлантирилувчи шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлган гувоҳлантириш ўтказилаётганда терговчининг иштироки тақиқланган. Бундай гувоҳлантиришни ўтказиш ваколати терговчининг қарори асосида шифокорга топширилади.

Гувоҳлантириш жараёнида ЖПКнинг 49–51-моддалари талаблари асосида гувоҳлантирилувчи шахс ҳимоячисининг иштирок этиши ва унга «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»¹ 2008 йил 31 декабрдаги қонунга мувофиқ берилган янги ваколатларлар амалдаги ЖПКда гувоҳлантирилувчи шахснинг ҳуқуқларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2008. – № 12. – 641-м.

таъминлашга ва бузилишининг олдини олишга қаратилганлигига яққол далолатдир.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, ЖПКнинг 142-моддасида кўрсатилганидек, гувоҳлантириш суд экспертизасини тайинлаш талаб этилмаган ҳолларда ўтказилади.

Кўрсатилган процессуал ҳаракатларнинг объекти битта – одамнинг бадани. Уларни ўтказиш учун процессуал асос бўлиб, терговчининг қарори хизмат қилади. Суд тиббиёти экспертизасини ўтказиш жараёнида терговчининг илтимосига биноан гувоҳлантиришнинг вазифалари ҳам ҳал қилиниши мумкин. Бу процессуал ҳаракатларни ўтказиш чоғида шахснинг кадр-қимматини камситадиган ёки унинг соғлиғи учун хавфли бўлган ҳаракатларга йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, гувоҳлантириш жараёнида иштирокчиларнинг ҳуқуқлари тушунтирилиши ва таъминланиши лозим.

Баъзан гувоҳлантириш суд тиббиёти экспертизасидан олдин ўтказиладиган ҳаракат ҳисобланади, гувоҳлантириш жараёнида аниқланган жиноятнинг излари экспертиза ўтказиладиган пайтга қадар бутунлай ўзгарган ҳолларда, гувоҳлантириш баённомаси экспертиза ўтказиш учун асос бўладиган материал вазифасини бажаради.

Аммо одамнинг суд тиббиёти экспертизаси ва гувоҳлантириш ўз табиатига ва ўтказишнинг процессуал тартибига кўра ҳам бири-бирдан фарқ қилади. Бу процессуал ҳаракатларнинг вазифалари ҳар хил. Гувоҳлантириш шахснинг баданида алоҳида белгиларни, жиноят излари ва тан жароҳатларини аниқлашга қаратилган бўлса, тирик одамларнинг суд тиббиёти экспертизасининг вазифалари анча кенгдир. Алоҳида белгилар, жиноятнинг излари ва тан жароҳатларини аниқлаш экспертизанинг дастлабки босқичи бўлиб, ундан кейин уларни тиббий усуллар ёрдамида ўрганиш ва текшириш амалга оширилади ҳамда уларнинг натижаларига кўра эксперт хулосаси чиқарилади.

Суд тиббиёти экспертизаси ЖПКнинг 68-моддасида процессуал ҳуқуқ ва бурчлари белгиланган эксперт томонидан ўтказилади. Терговчи гувоҳлантиришни ўтказишни шифокорга топширган ҳолларда, шифокорнинг ҳуқуқ ва бурчлари эса, ЖПКнинг 70-моддасида мустаҳкамланган мутахассиснинг процессуал мақомига эга бўлади.

Юқорида баён этилган фикрларга хулоса қилиб, гувоҳлантиришнинг тўлиқ тушунчасини келтиришга ҳаракат қиламиз. *Гувоҳлантириш деганда, шахснинг баданидаги алоҳида белгилар, доғлар, тан жароҳатлари, жисмоний ривожланганлиги тўғрисидаги маълумотлар, мастлик ҳолати ёки жиноят иши учун аҳамиятли бошқа хусусиятларни аниқлаш учун ўтказиладиган, суд экспертизасини талаб этмайдиган, баъзан кечиктириб бўлмайдиган мажбурий тергов ҳаракатини тушуниш лозим.*

Хулоса қилиб айтганда, гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказишда шахс ҳуқуқларининг таъминланиши ЖПКнинг 18, 88, 142–147, 352, 445-моддаларида қайд этилган ҳуқуқий асосларга таянади ва уларнинг талабларидан келиб чиқади, акс ҳолда, шахс ҳуқуқини таъминлаш механизми ишламай қолиши хавфига эга бўлиши мумкин.

3-§. ГУВОҲЛАНТИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИГА ОИД ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ҚОНУН НОРМАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Хорижий мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунларида гувоҳлантириш тергов ҳаракатининг ҳуқуқий тартибга солинишини, вазифаларини, унда иштирок этадиган шахслар доирасини, уни ўтказиш жараёнида шахс ҳуқуқларини таъминланиши масалалари ва бошқа ҳолатларни кузатадиган бўлсак, қуйидаги жиҳатлар билан фарқли ва ўхшаш томонлар кўзга ташланади, яъни:

биринчидан: хорижий мамлакатларда гувоҳлантиришнинг ҳуқуқий тартибга солиниш шакли ҳар қайси мамлакатда ҳар хил;

иккинчидан: гувоҳлантиришнинг вазифалари ҳам турли мамлакатлар ЖПКда турлича белгиланган;

учинчидан: гувоҳлантириладиган шахслар доираси турли хилда тартибга солинган;

тўртинчидан: гувоҳлантиришни ўтказиш тартибининг ҳар хиллиги ва бу жараёнида шахс ҳуқуқларини таъминлаш масаласини тартибга солишда фарқлар мавжуд;

бешинчидан: гувоҳлантиришнинг натижаларини расмийлаштириш тартибида фарқлар мавжудлиги ва бошқаларни кузатиш мумкин.

Хорижий мамлакатларда гувоҳлантириш тергов ҳаракатининг ҳуқуқий тартибга солиниш шакли ҳар қайси мамлакатда турлича кўринишга эга. Яъни, Эстония¹, Украина², Қирғизистон³, Туркменистон⁴, Россия⁵, Молдова¹ ва бошқа давлатларнинг ЖПКда

¹ Уголовно-процессуальный кодекс Эстонской Республики, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

² Уголовно-процессуальный кодекс Украины. – Киев, 1998. <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

³ Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызстана // Ведомости Жогорку Кенеша Кыргызской Республики. – 1999. – № 10. – С.229–243, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

⁴ Уголовно-Процессуальный Кодекс Республики Туркменистан. – 2008, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

⁵ Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. – СПб.: Питер, 2005. – С.624, 18.12.2001., <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

гувоҳлантириш тергов ҳаракатига алоҳида боб ажратилмаган бўлса, Армения², Озарбайжон³, Беларусь⁴ каби республикаларнинг ЖПКда гувоҳлантириш фақатгина битта қонун нормаси билан тартибга солинганлигини кўриш мумкин. Ушбу давлатлардан фарқли равишда, Албания ЖПКда⁵ гувоҳлантириш одамни кўздан кечириш сифатида 204-моддаси асосида тартибга солинганлиги ва кўздан кечириш тергов ҳаракати орқали гувоҳлантиришнинг вазифалари ҳал этилиши кузатилса, Франция⁶ ва Норвегия⁷ давлатлари ЖПКда гувоҳлантириш тергов ҳаракати умуман кўрсатилмаганлигини кузатиш мумкин. Германия ЖПКнинг 81с-моддасида эса, шахснинг танасидаги жиноятга алоқадор белгилар ва излар экспертиза орқали аниқланиши тартибга солинган ва бу давлатнинг жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам гувоҳлантириш тергов ҳаракати алоҳида тергов ҳаракати сифатида қайд этилмаган⁸.

Хулоса қилиб айтганда, гувоҳлантириш тергов ҳаракатининг хорижий мамлакатларнинг ЖПКда тартибга солиниши бизнинг ЖПКдан тубдан фарқ қилади. Чунки кўрсатилган давлатлардан фарқли равишда, бизнинг амалдаги ЖПКда гувоҳлантириш тергов ҳаракати алоҳида 17-боб ва унинг таркибига киритилган олти

¹ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова. – 2003, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

² Уголовно-процессуальный кодекс Республики Армения. 01.07.1998, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

³ Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджана. – 2000, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Беларуси. – Минск, 1999, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

⁵ Албания Жиноят-процессуал кодекси, 05.04.1995, Criminal Procedure Code of the Republik of Albania (English version), <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

⁶ Франция Жиноят-процессуал кодекси, 15.09.2003, Criminal Procedure Code of the French Republik (English version), <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

⁷ Норвегия қироллиги Жиноят-процессуал кодекси, 17.07.1998, Criminal Procedure Code of the Kingdom of Norway (English version), <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

⁸ Германия Жиноят-процессуал кодекси., 07.09.1998, Criminal Procedure Code of the Federal Republik of Germany (English version), <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

норма, яъни 142-147-моддалар асосида тартибга солинган. Бу эса, бизнинг ЖПКда гувоҳлантиришнинг тартибга солингани ва ундаги процессуал талабларнинг аниқ ва тўлиқлиги таъминланганини кўрсатади.

Хорижий мамлакатларнинг ЖПКда гувоҳлантириш тергов ҳаракатининг вазифалари ҳам турлича тартибга солинганлигини кўриш мумкин. Яъни, айрим мамлакатларда гувоҳлантиришнинг вазифалари жуда тор доирада белгиланган бўлса, бошқа бир қатор давлатларда кенгроқ таърифланган. Масалан, Молдова¹, Армения², Эстония³ республикалари ЖПКда гувоҳлантиришнинг вазифаларига фақатгина шахснинг баданида жиноятнинг излари ва алоҳида белгиларни аниқлаш киритилган бўлса, Беларусь Республикаси ЖПКда⁴ шахснинг баданида алоҳида белгиларни, жиноятнинг изларини, тан жароҳатларини, мастлик ҳолати ёки иш учун аҳамиятли белгиларни аниқлаш, Россия Федерацияси ЖПКда⁵ шахснинг баданида жиноятнинг изларини, алоҳида белгиларни, тан жароҳатларини, мастлик ҳолати ёки унинг белгиларини ва жиноят иши учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлаш, Туркменистон Республикаси ЖПКда⁶ эса, шахснинг танасидаги жиноятнинг изларини, алоҳида белгиларни ва унинг жисмоний ҳолатини аниқлаш каби вазифалар гувоҳлантиришнинг вазифалари сифатида белгиланган (иловага қаранг).

Айрим давлатларда гувоҳлантириш фақатгина битта вазифани ҳал этиш учун белгиланганлигини ҳам кузатиш мумкин. Яъни, Украина Республикаси ЖПКнинг 193-моддасига биноан, гувоҳлан-

¹ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова. – 2003, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

² Уголовно-процессуальный кодекс Республики Армения. 01.07.1998 г., ЗР-248. <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

³ Уголовно-процессуальный кодекс Эстонской Республики. <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Беларуси. – Минск, 1999, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

⁵ Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. – СПб.: Питер, 2005. – С.624, 18.12.2001., <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

⁶ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Туркменистан. – 2008, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

тириш фақатгина шахснинг баданидаги алоҳида белгиларни аниқлаш мақсадида ўтказилади¹. Яъни, биз юқорида келтириб ўтган айрим мамлакатларнинг ЖПКларида гувоҳлантиришнинг вазифасига киритилмаган шахснинг баданидаги шилинган, тирналган ва қонталаш жойларни, доғларни ва шахснинг жисмоний ривожланганлик ҳолатини аниқлаш вазифалари уларда бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш йўли билан аниқланади.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий мамлакатларнинг ЖПКда гувоҳлантиришнинг вазифалари турлича тартибга солинган. Ўзбекистон Республикаси ЖПКда эса, гувоҳлантиришнинг вазифалари юқорида кўрсатиб ўтилган давлатлар ЖПКдан фарқли равишда, улардаги гувоҳлантиришдан кўпроқ вазифаларни ҳал этиш учун белгиланган. Яъни, ЖПКнинг 142-моддасида:

- одамнинг баданидаги иш учун аҳамиятга молик хусусият ёки аломатлар;
- алоҳида белгилар;
- шахснинг жисмоний ривожланганлиги тўғрисидаги маълумотлар; – шахснинг баданидаги доғлар;
- тирналган, шилинган, қонталаш жойларни аниқлаш;
- экспертиза ўтказишни талаб қилмайдиган усулларни қўллаш йўли билан шахснинг мастлик ва бошқа физиологик ҳолатини аниқлаш гувоҳлантиришнинг вазифалари сифатида белгиланган.

Қайд этиш жоизки, хорижий мамлакатларнинг ЖПКда гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказишда иштирок этадиган шахслар доираси ҳам турлича тартибга солинган. Масалан, Армения ЖПКнинг 220-моддаси², Озарбайжон ЖПКнинг 238-моддаси³, Туркманистон Республикаси ЖПКнинг 265-моддаси⁴, Украина Республикасининг 193-моддаси⁵, Эстония Республикаси ЖПКнинг

¹ Уголовно-процессуальный кодекс Украины. – Киев, 1998, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

² Уголовно-процессуальный кодекс Республики Армения. 01.07.1998 г., ЗР-248. <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

³ Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджана. – 2000, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Туркменистан. – 2008, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

⁵ Уголовно-процессуальный кодекс Украины. – Киев, 1998. <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

152-моддаси¹, Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 226-моддаси², Қирғизистон Республикаси ЖПКнинг 180-моддасида³ гувоҳлан-тирилиши мумкин бўлган шахслар сифатида гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳ белгиланган бўлса, Беларусь Республикаси ЖПК 206-моддасида⁴ фақатгина гумон қилинувчи, айбланувчи ва жабрланувчининг гувоҳлантирилиши мумкинлиги кўрсатилган (иловага қаранг).

Яъни, Беларусь Республикаси ЖПКда гувоҳнинг гувоҳлантирилиши мумкинлиги кўрсатилмаган. Бу эса, ўз навбатида, Беларусь Республикаси ЖПКда гувоҳнинг бадан дахлсизлиги ҳуқуқи кучли ҳимояланганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, Россия Федерацияси ЖПКнинг 179-моддасида⁵ фақатгина гувоҳ унинг розилиги асосида гувоҳлантирилса, Молдова ЖПКнинг 119-моддасида⁶ гувоҳ билан бир қаторда, гумон қилинувчи, айбланувчи ва жабрланувчилар ҳам уларнинг розилиги асосида гувоҳлантирилиши лозимлиги кўрсатилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, айрим хорижий мамлакатларнинг ЖПКларида мавжуд бўлган баъзи процесс иштирокчиларини гувоҳлантириш мумкин эмаслиги каби қондани миллий ЖПКга татбиқ этиб бўлмайди. Чунки ушбу талаб, бир томондан, гувоҳлантирилувчи шахснинг ҳуқуқларини кўриқлашга қаратилган бўлса, иккинчи томондан, келгусида жиноят иши юзасидан ҳақиқатни аниқлаш вазифасининг етарли даражада ҳал этилишига тўсқинлик яратиши мумкин. Бу эса, бевосита иш бўйича

¹ Уголовно-процессуальный кодекс Эстонской Республики. <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

² Уголовно-процессуальный кодекс Казахстана. – Алматы, 2005, – С. 217. <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

³ Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызстана // Ведомости Жогорку Кенеша Кыргызской Республики. – 1999. – №10. – С.229–243, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Беларуси. – Минск, 1999, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

⁵ Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. – СПб., 2005. – С.624, 18.12.2001, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

⁶ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова. – 2003, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

жиноят процессининг бошқа иштирокчилари ҳуқуқларининг бузилишини келтириб чиқаради.

Булардан ташқари, хорижий мамлакатларнинг ЖПКни ўрганиш жараёнида уларда гувоҳлантиришнинг ўтказилиши бўйича ягона тартиб ўрнатилмаганлигини ҳам кузатиш мумкин. Яъни, айрим давлатларда терговчининг гувоҳлантиришни ўтказиш тўғрисидаги қарори гувоҳлантирилувчи шахслар учун мажбурий эканлиги белгиланган бўлса, бошқа бир қатор давлатларда айрим иштирокчилар фақат уларнинг розилиги асосидагина гувоҳлантирилишлари мумкинлиги ёхуд прокурор ёки суд терговчининг бу хусусда чиқарган қарорига розилик бергандан кейингина мажбурий тартибда ўтказилиши мумкинлиги белгиланган.

Масалан, Армения¹, Беларусь², Россия³, Украина⁴, Эстония⁵, Қирғизистон⁶ Республикаларининг ЖПКларида гувоҳлантиришни ўтказилиши бўйича терговчи томонидан чиқарилган қарор кимга нисбатан чиқарилган бўлса, ўша шахс учун мажбурий эканлиги кўрсатилган бўлса, Туркманистон⁷ ЖПКда гувоҳ ва жабрланувчиларни гувоҳлантириш прокурорнинг санкцияси асосида амалга оширилиши тартибга солинган. Молдова Республикаси ЖПКда⁸ эса, гувоҳлантирилиши мумкин бўлган барча шахсларни мажбурий тартибда гувоҳлантириш фақатгина суднинг санкцияси олинган қарорга асосан ўтказилиши белгиланган. Озарбайжон Республикаси

¹ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Армения. 01.07.1998, ЗР-248, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

² Уголовно-процессуальный кодекс Беларуси. – Минск, 1999, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

³ Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. – СПб., 2005. – С.624, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Украины. – Киев, 1998. <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

⁵ Уголовно-процессуальный кодекс Эстонской Республики, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

⁶ Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызстана // Ведомости Жогорку Кенеша Кыргызской Республики. – 1999. – №10. – С.229–243, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

⁷ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Туркменистан. – 2008, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

⁸ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова. – 2003, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

ЖПКда¹ эса, мажбурий гувоҳлантириш, шахс ушланган ёки қамоққа олинган ҳолатларни истисно қилганда, фақат суднинг қарори асосида амалга оширилиши белгиланган.

Бу эса, ўз навбатида, прокурорнинг санкцияси ёки суднинг қарори асосида гувоҳлантиришнинг ўтказилиши белгиланган мамлакатларда гувоҳлантирилувчи шахс ҳуқуқларининг таъминланиши бўйича дастлабки тергов органлари устидан прокуратура ва суд органларининг назоратини таъминлашга олиб келади.

Ушбу ҳолатлар бўйича хулоса ўрнида айтиш мумкинки, гувоҳлантиришнинг ўтказилишида гувоҳлантирилувчи шахснинг розилиги олинishi ёки мажбурий тартибда ўтказилиши керак бўлганда, терговчининг бу ҳақда чиқарган қарорига суднинг розилиги олинishi талаб этиладиган давлатларда, гувоҳлантирилувчи шахс ҳуқуқларининг таъминланиши устидан суд назорати ўрнатилганлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, хорижий мамлакатлар ЖПКнинг айримларида шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ ҳолатда ўтказиладиган гувоҳлантиришда гувоҳлантирилувчи шахс билан холисларнинг бир хил жинсда бўлиши лозимлиги айнан гувоҳлантиришни тартибга солувчи нормасининг ўзида белгиланган бўлса, бошқа бир қатор давлатлар ЖПКнинг ушбу нормаларида бу тўғрисидаги қоида киритилмаганлигини кузатиш мумкин.

Масалан, Армения², Озарбайжон³, Беларусь⁴, Туркманистон⁵ ва Қирғизистон⁶ Республикаларининг ЖПКда шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлган гувоҳлантириш жараёнида гувоҳлантирилувчи шахс билан холисларнинг бир хил жинсли

¹ Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджана. – 2000, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

² Уголовно-процессуальный кодекс Республики Армения. 01.07.1998. <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

³ Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджана. – 2000, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Беларуси. – Минск, 1999, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

⁵ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Туркменистан. 2008, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

⁶ Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызстана // Ведомости Жогорку Кенеша Кыргызской Республики. – 1999. – №10. – С.229-243, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

бўлиши лозимлиги айнан гувоҳлантиришни тартибга солувчи норманинг ўзида қоида тариқасида киритилган бўлса, Молдова¹, Россия² ва Украина³ каби давлатлар ЖПКнинг гувоҳлантиришни ўтказиш тартибини белгиловчи нормаларида бу қоида назарда тутилмаганлигини кузатиш мумкин.

Чунончи, Эстония Республикаси ЖПКда⁴ ушбу ҳолат умуман бошқача тартибга солинган. Яъни, Эстония Республикаси ЖПК 152-моддасининг 3-қисмида гувоҳлантириш шахсни ечинтириш билан боғлиқ бўлса, бир хил жинсли қатнашчилар иштирокида ўтказилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Эстония Республикаси ЖПК бўйича шахсни ечинтириш билан боғлиқ гувоҳлантириш жараёнида нафақат холисларнинг, балки унда иштирок этаётган бошқа шахслар, суриштирувчи, терговчи, суд тиббиёти мутахассиси ёки шифокор ва бошқалар ҳам гувоҳлантирилувчи шахс билан бир хил жинсли бўлишлари лозимлиги тартибга солинган. Бу эса, ушбу мамлакатда гувоҳлантирилувчи шахсининг бадани дахлсизлиги ҳамда шаъни ва кадр-қимматининг ҳурмат қилинишига алоҳида эътибор қаратилганлигидан далолат беради.

Биз юқорида қайд этиб ўтган давлатлар ЖПКнинг деярли барчасида гувоҳлантириш ўтказилганлиги гувоҳлантириш баённомаси орқали расмийлаштирилиши кўрсатиб ўтилган. Лекин фақатгина Украина Республикаси ЖПКнинг 193-моддаси талабига мувофиқ, бошқа давлатларнинг ЖПКдан фарқли равишда, гувоҳлантириш терговчининг топшириғига кўра шифокор ёки суд тиббиёти соҳасидаги мутахассис томонидан ўтказилган тақдирда, шифокор ёки суд тиббиёти соҳасидаги мутахассиснинг гувоҳлантириш далолатномасини тузиши орқали гувоҳлантириш натижалари расмийлаштирилиши лозимлиги кўрсатилган⁵.

¹ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова. – 2003, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

² Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. – СПб.: 2005, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

³ Уголовно-процессуальный кодекс Украины. – Киев, 1998, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Эстонской Республики, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

⁵ Уголовно-процессуальный кодекс Украины. – Киев, 1998, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

4-§. ГУВОҲЛАНТИРИШ ЎТКАЗИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ, ТАШКИЛИЙ ВА ТАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Гувоҳлантириш жараёнида шахс ҳуқуқлари таъминланишининг самарадорлиги, биринчи навбатда, уни амалга оширишга тайёргарлик кўришнинг сифати ва тўлиқлигига боғлиқ бўлса, иккинчидан, уни ўтказиш тактикасининг мустаҳкам асосга қурилганлиги ҳам ундан кўзланган мақсадга эришишга бевосита таъсир этади. Гувоҳлантиришни ўтказишга тайёргарлик кўриш уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, ўтказишни режалаштириш ҳамда унинг ўтказилиши учун зарур шарт-шароитни яратишни ўз ичига олади.

Гувоҳлантиришни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бошқа тергов ҳаракатлари каби, бир нечта этаплардан иборат. Гувоҳлантиришни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни қуйидаги бешта этап бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

гувоҳлантиришни ўтказишга тайёргарлик кўриш;

гувоҳлантиришнинг иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш;

бевосита гувоҳлантиришни ўтказиш этапи;

гувоҳлантириш натижасида олинган маълумотларни қонун талабларига биноан баённома шаклида расмийлаштириш;

гувоҳлантириш баённомасини унинг иштирокчиларига таништириш.

«Гувоҳлантиришни ўтказишга тайёргарлик кўриш» деб номланган *биринчи этап*да гувоҳлантириш учун зарур бўлган барча тайёргарлик ҳаракатлари амалга оширилиши керак. Яъни, терговчи ушбу этапда жиноят иши материаллари билан яхшилаб танишиб чиқиши, гувоҳлантириш учун асослар борлигини аниқлаши, гувоҳлантириладиган шахсларнинг доирасини белгилаши, уларнинг шахсини тасдиқловчи ва тавфсифловчи ҳужжатларни ўрганиб чиқиши, ишнинг натижаларидан манфаатдор бўлмаган ва гувоҳлантирилувчи билан ягона жинсдаги камида икки нафар шахсни холис сифатида ишда иштирок этиши учун чақириши, зарур бўлганда, мутахассислар билан суҳбатлашиши ва гувоҳлантиришда иштироки талаб этилса, уларни

чақириши, гувоҳлантиришнинг ўзи ёки шифокор томонидан ўтказилиши масаласини ҳал этиши, гувоҳлантиришнинг ўтказилиш жойи ва вақтини белгилаши, текширилаётган тусмол асосида гувоҳлантириш ўтказишни режалаштириши, гувоҳлантиришнинг барча иштирокчиларига чақирув қоғозларини юбориши, ушбу жараёнда қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлган аудио, видео ва бошқа техник-криминалистик воситаларни тайёрлаши ва гувоҳлантириш ўтказиш тўғрисида ЖПК талаблари асосида қарор қабул қилиши лозим.

Гувоҳлантиришни ўтказишга тайёргарлик кўриш уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, амалга ошириладиган этапларни режалаштириш ва уни самарали ўтказиш учун зарур шарт-шароитларни яратишни ўз ичига олади. Гувоҳлантиришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш далиллар тўплаш, жиноят ишини тергов қилиш жараёнида улардан ҳақиқатни аниқлаш, жиноят содир этган шахсни аниқлаш ва жазолаш мақсадида фойдаланиш зарурияти билан белгиланади.

Гувоҳлантиришни режалаштириш унинг тўлиқлиги ва холисоналигини таъминловчи муҳим ташкилий талаб ҳисобланади. У терговни режалаштиришга қўйиладиган барча талабларга жавоб бериши лозим.

Шахсни ечинтириб ялонғочлаш билан боғлиқ бўлмаган гувоҳлантиришни терговчининг ўзи амалга оширган ҳолларда, гувоҳлантиришнинг режасини тузиш қуйидаги масалаларни ҳал этишга қаратилади:

– гувоҳлантириш ЖПКнинг 142-моддасида кўрсатилган қайси муайян вазифани ҳал қилишга қаратилишини гувоҳлантириш жараёнида аниқланиши мумкин бўлган маълумотларни текшириш асосида белгилаш;

– қандай алоҳида белгилар ва жиноятнинг изларини аниқлаш мумкинлигини белгилаш;

– ҳал қилинаётган вазифалар хусусиятидан келиб чиқиб, уларни ҳал қилиш учун талаб этиладиган криминалистик техника воситалари ва усулларини назарда тутиш;

– гувоҳлантиришда мутахассисларнинг иштирок этишлари имконияти тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш. Мутахассисларнинг ёрдами гувоҳлантиришга тайёргарлик кўриш этапида ҳам, уни ўтказиш пайтида ҳам фойдали бўлиши мумкин;

– гувоҳлантиришнинг ҳар бир иштирокчисининг вазифаларини белгилаш;

– гувоҳлантириш ўтказиладиган жой ва вақтни белгилаш;

– гувоҳлантиришни ўтказиш жараёнида ижобий натижага эришиш имконини берувчи тактик ва психологик усуллардан фойдаланишни назарда тутиш;

– гувоҳлантиришнинг бошқа тергов ҳаракатлари билан ўзаро алоқасини назарда тутиш.

Гувоҳлантиришни ўтказиш шифокорга топширилган ҳолларда, гувоҳлантиришнинг режасини тузиш юқорида кўрсатилганлардан бошқачароқ мақсадларга эга бўлади. Айтиш мумкин ҳолда гувоҳлантиришнинг режаси унинг ҳаракатлари дастуридан иборат бўлади.

Гувоҳлантиришнинг бундай режасига юқорида кўрсатилган масалалардан ташқари қуйидаги қоидалар киритилса, мақсадга мувофиқ бўлади:

– топилган жинойт изларини олишда, кейинчалик экспертиза тайинланишини эътиборга олиб, бу излар билан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш зарурлигини кўрсатиб ўтиш;

– ахлоқий талабларга риоя қилган ҳолда, шахс ҳуқуқларининг таъминланишини назарда тутиш.

Булардан ташқари, ушбу режада гувоҳлантириш мобайнида гувоҳлантирилувчи ўзининг хавфсизлигини таъминлашга муҳтожлик сезганда, унинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилиши лозимлиги ҳам киритилиши лозим.

Шуни таъкидлаш жоизки, бундай режани тузаётганда терговчи шифокорнинг мутахассис сифатидаги процессуал ҳолатини ҳисобга олиши керак. Шу сабабли, терговчи гувоҳлантирилувчининг баданини бевосита текшираётган шифокор фойдаланиши мумкин бўлган махсус усул ва воситаларни белгилашга ҳақли эмас. Бундай вазиятда терговчи томонидан тузилган режа шифокорга ўзи амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатларнинг процессуал чегарасини белгилаш имконини беради.

Бинобарин, шахснинг баданини бевосита текширишни терговчи топшириғига биноан шифокор амалга оширган ҳолларда, гувоҳлантиришни ўтказиш режасини тузиш икки мақсадни кўзлайди: биринчидан – терговчининг раҳбарлик ролидан мумкин

қадар тўлиқ фойдаланиш; иккинчидан – шифокорнинг жиноятнинг изларини ва бошқа далилий ахборотни аниқлаши, қайд этиши ва олиши учун ўзининг махсус билим ва имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиши учун имконият яратиш.

Гувоҳлантиришни режалаштириш бу жараён иштирокчиларини танлаш ва уларнинг мазкур процессуал ҳаракатни ўтказиш чоғида ҳозир бўлишини таъминлаш, гувоҳлантириш ўтказиладиган жой ва вақтни белгилаш, алоҳида белгилар, жиноятнинг излари ёки тан жароҳатларини, мастлик ҳолатини, жиноят иши учун аҳамиятга эга бўлган бошқа хусусиятлар ва белгиларни аниқлаш, қайд этиш ва олиш учун техника воситаларини тайёрлашни ўз ичига олади.

Терговчи гувоҳлантиришнинг иштирокчиларини танлаётганда уни янада сифатлироқ ўтказишни таъминловчи бошқа мутахассисларни маслаҳатчилар сифатида таклиф қилиш имкониятини назарда тутса, мақсадга мувофиқ бўлади. Мутахассисларни танлаш асосан гувоҳлантиришдан олинган маълумотларни кейинчалик экспертизанинг қайси тури тайинланиши орқали текшириш мумкинлигини аниқлаш имконини беради.

Бошқа мутахассислар сифатида терговчи гувоҳлантиришда иштирок этиш учун трасология, суд баллистикаси, суд габитологияси, суд кимёси, суд фотографияси, биология, санъатшунос, техник-криминалист ва бошқа соҳаларнинг мутахассисларини таклиф қилишга ҳақли. Кўрсатилган мутахассислар йўқлиги, айрим ҳолларда, айниқса терговчининг тайёргарлик даражасининг пастлиги, у ёки бу мураккаб махсус аппаратурани ишлатишга қодир эмаслиги туфайли мавжуд алоҳида белгилар, жиноятнинг излари, тан жароҳатлари, хусусиятлар ва белгиларни аниқлаш ва топиш мумкин бўлмай қолса, гувоҳлантиришнинг салбий натижаларига олиб келиши мумкин.

Фан ва техниканинг (суд тиббиётидан) бошқа соҳаларидан мутахассисларни гувоҳлантиришда иштирок этишга жалб қилишдан олдин қуйидаги бир қанча шартлар бажарилиши лозим:

– аниқ бир мутахассисни танлаш учун фан ва техниканинг у ёки бу соҳаси мутахассислари билан уларнинг ихтисослиги, билими ва тажрибасини аниқлаш мақсадида дастлабки суҳбат ўтказиш;

– танланган мутахассиснинг ўзига юклатилган вазифаларни ҳал қилишга қодир ёки қодир эмаслигини аниқлаш. Унда ишнинг моҳияти баён этилиши ва ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар белгиланиши керак;

– мутахассис ўз олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилиши учун талаб этилиши мумкин бўлган илмий-техника воситалари тўғрисидаги масалага ойдинлик киритиш;

– гувоҳлантиришда фан ва техниканинг бошқа соҳалари бўйича мутахассисни жалб қилиш имконияти ҳақида танланган мутахассиснинг фикрини билиш;

– мазкур мутахассиснинг жиноят ишининг натижаларидан ва унинг иштирокида ўтказилиши лозим бўлган тергов ҳаракатининг натижасидан манфаатдор эмаслигини аниқлаш.

Гувоҳлантириш ўтказиладиган жой ва вақтни танлаш ҳам унинг натижаларига ўз таъсирини кўрсатади. Жой тўғрисидаги масала хусусида сўз юритганда, шуни қайд этиш лозимки, гувоҳлантириш тиббий муассасаларда ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Аммо бу гувоҳлантириш терговчининг хонасида ёки бунга мослаштирилган бошқа жойда ўтказилиши мумкин эмаслигини англамайди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳаракатларнинг амалга оширилиши билан биринчи этап тугалланади ва иккинчи этапда қилиниши керак бўлган ҳаракатларни амалга ошириш бошланади.

Иккинчи этап гувоҳлантиришнинг иштирокчилари белгиланган жойда ва қарорда кўрсатилган вақтда бир жойда тўплангандан кейин бошланади. Бу этапда терговчи ўзини таништиради ва видео ёки бошқа техник-криминалистик воситалар қўлланилаётганлиги ҳақида маълум қилади ҳамда гувоҳлантиришда иштирок этувчи шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текширади. Мазкур тавсия гумон қилинувчи, айбланувчи жабрланувчи ёки гувоҳнинг айнан ўзини гувоҳлантиришни назарда тутди ва уларнинг номидан ишдан манфаатдор бошқа шахсларнинг гувоҳлантирилишига йўл қўймасликка қаратилади.

Сўнгра терговчи гувоҳлантириш жараёнида иштирок этиш учун таклиф қилинган холиссларнинг ЖПКнинг 74-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради. Мутахассисни эса, ЖПКнинг 69-70-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқ ва

мажбуриятлари тушунтирилади. Ўз навбатида, гувоҳлантирилувчининг ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ тушунтирилиши лозим.

Шуни қайд этиш лозимки, ЖПКда гувоҳлантирилувчи шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари алоҳида норма асосида тартибга солилмаган. Бунда гувоҳлантирилувчи ўзининг ҳуқуқий мақомидан келиб чиқиб, гувоҳлантириш жараёнидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ равишда тушунтириб бўлинганидан сўнг иккинчи этап тамомланади ва учинчи, яъни гувоҳлантиришни ўтказиш этапи бошланади.

Учинчи этапда гувоҳлантиришнинг икки тури фарқланади. Биринчисида, гувоҳлантириш ихтиёрий тарзда ўтказиладиган бўлса, иккинчисида, мажбурий тартибда амалга оширилади. Бу терговчи томонидан чиқарилган қарор билан гувоҳлантирилувчи шахс таништирилганидан кейин аниқланади. Терговчи гувоҳлантириш ўтказиш тўғрисидаги қарор билан гувоҳлантирилувчини таништириши ва айти вақтда уни амалга ошириш мақсадлари ва умумий тартибини тушунтириши ҳамда ушбу қарорнинг бажарилиши мажбурий эканлигини ҳам таъкидлаши лозим.

Гувоҳлантирилувчи шахс терговчи томонидан чиқарилган қарор билан таништирилганлиги тўғрисида қарорга имзо қўяди. Шундан кейин гувоҳлантириш ЖПКнинг 146-моддаси тартибида ўтказилади. Яъни, терговчи кўрсатилган процедуравий тадбирларни бажарганидан сўнг, гувоҳлантиришни ўтказиш тўғрисидаги қарорда белгиланган аниқ вазифаларни ҳал қилиш мақсадида, гувоҳлантирилувчининг баданини текшириш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни амалга оширади. Ушбу ҳаракатлар терговчини қизиқтираётган ҳолатларни аниқлашни, уларни сақлаш, сифатли қайд этиш ва олишни таъминлайдиган кетма-кетликда бажарилади. Аммо гувоҳлантириш жараёнида терговчи томонидан бажариладиган ҳаракатлар кетма-кетлиги ва хусусияти мураккаброқ бўлган ҳоллар ҳам кўп учрайди (айниқса, излар турли-туман ва бир вақтнинг ўзида баданда ҳам, кийимда ҳам жойлашган бўлса).

Бундан ташқари, шахснинг эғнидаги кийим унинг ўзиники ёки ўзиники эмаслигини аниқлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, баданнинг айрим қисмларини ўлчашни амалга ошириш ва бошқалар талаб этилади. Бундай ҳолларда, гувоҳлантириш гувоҳ-

лантирилувчининг эгнидаги кийимини кўздан кечириш билан бир-галикда амалга оширилса ва унинг натижалари кийимни кўздан кечириш баённомасига киритилса, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу ҳаракатлардан кейин терговчи гувоҳлантирилувчи шахсни умумий текширишга киришади. Бу эса, терговчига гувоҳлантиришнинг объекти ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш, мавжуд алоҳида белгилар, излар ёки тан жароҳатларининг ўрни ва хусусияти ҳақида маълумот олиш, уларнинг турини аниқлаш ва шунга мувофиқ ўзи олдиндан тайёрлаб қўйган техника воситаларидан фойдаланиш масаласини ҳал қилиш имконини беради. Гувоҳлантириш яхши ёритилган шароитда, иложи борича, кундуз кундаги табиий ёруғликда ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Гувоҳлантирилувчи шахсни умумий кўздан кечириш чоғида жиноятнинг турли излари, алоҳида белгилар ва тан жароҳатлари, инсон танасининг тузилишини тавсифловчи белгилар, шунингдек кийим сиртида жойлашган, асосан уларнинг ҳолатини тавсифлайдиган ва гувоҳлантирилувчи шахснинг эгнидаги кийим унга тегишлилиги ёки тегишли эмаслиги хусусида тахминлар тузиш имконини берадиган излар аниқланиши мумкин.

Шу тариқа гувоҳлантирилувчи шахснинг эгнидаги айрим кийимлар унинг гавда тузилишига ёки йил фаслига мос эмаслигини, ўз ташқи кўринишига кўра ҳар хил эканлигини аниқлаш мумкин.

Умумий кўздан кечириш чоғида кийимда турли нуқсонлар (белбоғ узилган, тугма етишмайди ёки улар ранги ва шаклига кўра фарқ қилади) аниқланиши мумкин бўлиб, бу уни янада диққат билан кўздан кечиришни талаб қилади. Умумий кўздан кечиришни яқунлагач, гувоҳлантирилувчи шахсга ечинишни таклиф қилиш лозим. Бунда у ечаётган кийимларнинг ҳар бирини бошқа кийимларда ҳам, гувоҳлантирилувчи шахснинг баданида ҳам ўз «давоми»га эга бўлган изларни аниқлаш мақсадида синчиклаб текшириш керак.

Шуни қайд этиш лозимки, алоҳида белгилар, жиноятнинг излари ёки тан жароҳатларини топишга қаратилган ҳаракатлар муайян кетма-кетликда амалга оширилиши керак. Бу уларнинг сақланишини таъминлаш ва кейинчалик экспертиза доирасида текшириш учун олиш имконини беради.

Масалан, пора олиш, бериш ва уни олиш-беришда воситачилик қилиш жинойтларини тергов қилишда гумон қилинувчининг бадани билан бир вақтда унинг кийими ҳам синчиклаб кўздан кечирилиши лозим. Чунки махсус кукун суртилган пулдан қолган жинойтнинг излари шахснинг фақатгина бадан аъзоларида (қўлларида, юзида ва бошқ.) эмас, балки унинг кийимида, кийимининг чўнтакларида ҳам аниқланиши мумкин. Бу ҳолатлар гумон қилинувчининг айблилиги ёки айбсизлигини аниқлашга хизмат қилади.

Безорилик, босқинчилик, талончилик ва айрим ҳолларда ўғирлик содир этганликда гумон қилинаётган шахсни гувоҳлантириш жараёнида турли тан жароҳатлари аниқланиши мумкин бўлиб, улар баданнинг очик қисмларида ҳам, кийим билан тўсилган қисмларида ҳам жойлашиши мумкин. Шунга ўхшаш излар жабрланувчининг баданида ҳам топилиши мумкин.

Номусга тегишни содир этганликда гумон қилинаётган шахсни гувоҳлантириш чоғида юз, бўйин, қўл бармоқлари, кўкрак, тирсак ва тизза бўғинлари, жинсий аъзолар соҳаси баданнинг ўта синчковлик билан текширилиши лозим бўлган қисмлари ҳисобланади. Бунда гумон қилинаётган шахсни ва жинойтдан жабрланганларни гувоҳлантиришда сперма (шаҳват) изларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу излар жинсий аъзолар соҳасида ҳосил бўлиш эҳтимоли кўпроқ. Аммо сперма излари тананинг бошқа жойлари (қорин, кўкрак, думба ва бошқ.)да қолиши мумкинлигини ҳам эътибордан соқит этмаслик керак. Бундан ташқари, ушбу ва шу турдаги жинойт ишлари бўйича гувоҳлантиришни ўтказишда жабрланувчининг ўзини ўзи тирнаган ва шилган бўлиши мумкинлиги синчковлик билан текширишни талаб этадиган ҳолат бўлиб ҳисобланади.

Гувоҳлантириш жараёнида жинойт изларидан ташқари алоҳида белгилар, жумладан: татуировкалар, чандиқлар, холлар, сепкиллар, бутун баданни ёки унинг айрим қисмларини босган туклар аниқланади. Бундан ташқари, тананинг айрим қисмлари, тана аъзолари ва уларнинг қисмлари: қўллар, оёқлар, кўзлар, кулоқ чаноқлари, бармоқларнинг йўқлиги; турли нуқсонлар (қўл оёқларнинг қўшалок бармоқлари, қўл ёки оёқлардаги ортиқча бармоқлар, умуртқа суягининг сезиларли даражада қийшиқлиги, букрилиқ,

оёқлар ва қўлларнинг узун ёки калтароқлиги, уларнинг қийшиқлиги) кузатилиши мумкин. Алоҳида белгилар бутун тана ёки унинг қисмлари жуда катталиги ёки жуда кичиклигида ифодаланиши ҳам мумкин (масалан, жуда баланд бўй, жуда катта калла, жуда кичкина кулоқ ёки кўзлар, қўл-оёқларнинг жуда калта бармоқлари, оёқнинг жуда катта товони ва бошқ.).

Шахснинг баданидаги жиноят излари, алоҳида белгилар ва тан жароҳатларини аниқлагач, терговчи унинг кийимини кўздан кечиришга ўтади.

Чунки, гувоҳлантирилувчи шахснинг кийимида шикастланиш аломатлари кузатилиши мумкин. Кийимнинг шикастланиши совуқ ёки ўқотар қурол, турли предметлар таъсирида, термик йўл билан мато яхлитлигининг бузилишидир. Шикастланишлар йиртилиш, қирқилиш, тешилишлар кўринишида бўлиши мумкин.

Кийимни кўздан кечириш жараёнида унинг айрим элементлари ва қисмларининг йўқлигига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Ҳолбуки, ҳодиса содир бўлган жойда шундай нарсалар топилиши мумкинки, улар кейинчалик гувоҳлантириш жараёнида йўқлиги аниқланган предметлар билан айнанлиги масаласини ҳал қилиш имконини беради.

Масалан, М. ўғрилиқ содир этишда гумон қилинган, аммо у нафақат бу жиноятни содир этганини, балки ўғрилиқ содир этилган жойда бўлганини ҳам рад этган. Лекин ҳодиса содир бўлган жойда топилган, шакли ва рангига кўра гумон қилинувчи куртқасининг йиртилиб тушиб қолган бир қисми унинг эғнидаги куртқасининг йиртилган жойига айнан бўлиб чиқиши унинг важини инкор этувчи муҳим далил бўлган¹.

Гувоҳлантиришда мазкур шахснинг оёқ кийимини ҳам кўздан кечириш лозим. Оёқ кийимида тупроқ, лой ва бошқа моддаларнинг майда зарралари топилиши мумкин бўлиб, улар муҳим криминалистик аҳамият касб этади. Шунингдек, жиноят содир этиш чоғида юзага келган турли шикастланишлар, қон излари топилиши мумкин.

Гувоҳлантириш натижаларини расмийлаштириш уни ўтказиш жараёнида ёки яқунланганидан кейин гувоҳлантириш баённомасини тузиш орқали амалга оширилади.

¹ Узун туман суди архивидаги 14-06/5412-сонли жиноят иши материаллари.

Шуни таъкидлаш лозимки, гувоҳлантириш жараёнида аниқланган жиноят излари ва алоҳида белгиларни тавсифлаш баъзи бир хусусиятларга эга бўлади. Масалан, доғлар кўринишидаги изларни тавсифлашда уларнинг ўрни, шакли, миқдори, рангини акс эттириш муҳим. Агар бундай излар турли моддаларнинг зарраларидан таркиб топган бўлса, уларнинг ўлчамларини қайд этиш лозим.

Жиноятнинг изларига тавсиф бериш жараёнида муайян кетма-кетликка риоя қилинса ва улар топилган жой (чап қўл билагига, кўкрак, елка ва ш.к.); изларнинг тури, уларнинг сони, ўзаро жойлашуви ва баданнинг мазкур қисмларига нисбатан жойлашуви; шакли, ўлчамлари, ранги, шунингдек бўртиб намоён бўлувчи хусусиятлари кўрсатилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Алоҳида белгиларга тавсиф берганда, уларнинг номи, хусусияти, жойлашган ўрни, шакли, ўлчами, ранги, юзаки қатлам мавжудлиги кўрсатилиши лозим. Татуировкалар мавжуд бўлганда, уларнинг ўрни, шакли, ўлчамлари (расмнинг, рамзнинг), ранги, матннинг санаси ва мазмуни кўрсатилиши лозим.

Гувоҳлантирилувчи шахснинг баданини текшириш вақтида терговчи қуйидаги омилларга алоҳида қаратиши лозим:

– гувоҳлантиришнинг вазифаси (алоҳида белгиларни, жиноят излари ва тирналган, шилинган ва қонталаш жойларни, мастлик ҳолатини, иш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа хусусиятлар ва белгилар, жисмоний ривожланганлик ҳолати ва бошқа физиологик ҳолатларни аниқлаш)га;

– гувоҳлантиришни ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилган маълумотларнинг хусусиятига;

– гувоҳлантирилувчи шахс ва терговчининг жинсига;

– тергов қилинаётган жиноятнинг турига;

– гувоҳлантирилувчи шахснинг баданини бевосита текширишни амалга оширувчи субъект (терговчи ёки шифокор)га;

– гувоҳлантирилувчи (айбланувчи, гумон қилинувчи, жабрланувчи, айрим ҳолларда эса – гувоҳ)нинг ҳуқуқий ҳолатига;

– гувоҳлантиришни ўтказиш жараёнида аниқлаш мўлжалланган алоҳида белгилар, жиноятнинг излари ёки тан жароҳатларининг хусусиятига.

Таъкидлаш жоизки, ЖПКнинг 146-моддаси талабларига асосан, гувоҳлантириш шахсни ечинтириб яланғочлаш билан

боғлиқ бўлса, терговчи гувоҳлантиришни шифокорга топшириши лозим. Бунда терговчи шахсининг ечиниши ёки яланғочланиши танасининг қайси қисмигача бўлиши, масалан, гувоҳлантирилувчининг бел соҳасигача ёки бутунлай яланғочланиши кераклигини ҳал қилиши ва буни қарорда кўрсатиши керак. Бунда шифокор терговчининг қарори ва топшириғини олгандан кейин, терговчининг қарорида кўрсатилган ҳолатлардан четга чиқмаган ҳолда гувоҳлантиришни ўтказди ва кейинги этапда гувоҳлантириш баённомасини тузади. Баённомани гувоҳлантирилувчи шахс ва холислар ҳам имзолагандан кейин тегишли суриштирув ёки тергов органларига тақдим қилади. Ушбу ҳаракатлар билан бу этап тамомланиб, кейинги тўртинчи этап бошланади.

Тўртинчи этапда гувоҳлантириш натижасида олинган маълумотларни тегишли тартибда расмийлаштириш лозим бўлиб, бундай расмийлаштириш ЖПКнинг 90–92 ва 147-моддалари талаблари асосида баённома шаклида амалга оширилади. Гувоҳлантириш баённомаси бошқа тергов ҳаракати баённомалари каби, кириш, тавсифловчи ва яқунловчи қисмлардан таркиб топиши лозим.

Баённоманинг кириш қисми қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

- гувоҳлантириш ўтказиладиган жой, вақт ва шарт-шароит;
- гувоҳлантиришни тайинлаш учун асос;
- гувоҳлантирилувчининг баданини бевосита текширишни амалга оширувчи шахс;
- гувоҳлантириш иштирокчиларининг таркиби, уларнинг фамилиялари ва исм-шарифининг бош ҳарфларини, холисларнинг манзилларини кўрсатган ҳолда;
- гувоҳлантирилувчи шахсни гувоҳлантиришни ўтказиш тўғрисидаги қарор билан таништириш;
- гувоҳлантирилувчи шахсни унинг ҳуқуқлари ва бурчлари ҳамда гувоҳлантиришни ўтказишнинг мажбурийлиги билан таништириш;
- гувоҳлантиришнинг бошқа иштирокчиларини уларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари билан таништириш.

Бунда гувоҳлантирилувчи шахсининг кадр-қимматини камситадиган ёки унинг соғлиғи учун хавфли бўлган ҳаракатларни

бажаришга йўл қўйилмаслиги тушунтирилади. Шифокор, шунингдек тергов ҳаракатини ўтказишда иштирок этувчи бошқа мутахассислар ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортгани ёки бўйин товлагани учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилади.

Баённоманинг тавсифловчи қисмида гувоҳлантириш жараёнининг батафсил баёни келтирилади:

– гувоҳлантирилувчининг шахсини аниқлаш жараёни тавсифланади;

– тергов ҳаракатини ўтказишга қаршилик кўрсатган гувоҳлантирилувчининг қаршилигини енгиш усули кўрсатилади;

– техника воситалари ва улардан фойдаланиш усуллари санаб ўтилади.

Олинган натижаларни баён этиш уларнинг аниқланишига қараб амалга оширилади.

Баённоманинг яқунловчи қисмида қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

– гувоҳлантириш чоғида олинган объектларнинг рўйхати, уларни ўраш ва муҳрлаш усуллари;

– иловаларнинг рўйхатлари (фотосуратлар, кино ёки видеотасвир, аудиоёзув, чизмалар, расмлар ва ш.к.);

– тергов ҳаракати иштирокчиларидан олинган фикр-мулоҳазалар; агар улар бўлмаса, бу ҳақда ёзиб қўйилади.

Гувоҳлантириш жараёнида гувоҳлантирилувчининг кийими ҳам кўздан кечирилган бўлса, бу ҳолат алоҳида тарзда кийимни кўздан кечириш баённомасида расмийлаштирилиши лозим. Гувоҳлантириш жараёни видеоаппаратура ёрдамида тасвирга олинган бўлса, ёки фотоаппаратура ёрдамида гувоҳлантирилувчи шахсининг бадани суратга туширилган бўлса ёки баданда аниқланган белгилар тананинг қаерида жойлашганлиги бўйича чизмаларда акс эттирилган бўлса, буларнинг барчаси гувоҳлантириш баённомасига илова қилиниши лозим. Баённомада терговчининг барча ҳаракатлари қандай кетма-кетликда амалга оширилган бўлса, шундай кетма-кетликда қайд этилиши лозим. Баённомага қўйиладиган саналар, ўз навбатида, гувоҳлантириш ўтказилган кун ва вақтга мутаносиб бўлиши керак.

Тергов ҳаракати баённомаси тузиб бўлинганидан кейин, ўз навбатида, *бешинчи этап* бошланади ва бунда терговчи

гувоҳлантиришнинг барча қатнашчиларига баённомани баланд овозда ўқиб эшиттиради. Шундан сўнг терговчи иштирокчилар ва гувоҳлантирилувчи шахсдан ушбу баённомага таклиф ва эътирозлари бор ёки йўқлигини сўрайди. Иштирокчилар томонидан эътирозлар бўлмаса, баённомани имзолашлари мумкин. Агарда баённома бир неча вароқлардан иборат бўлса, иштирокчилар ушбу вароқларнинг ҳар бирининг остига ўз имзоларини қўйишлари лозим.

Хулоса қилиб айтганда, гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг самарали амалга оширилишини юқорида кўрсатиб ўтилган бешта этапнинг қонун талаблари асосида амалга оширилиши таъминлайди. Бу этапларнинг муайян кетма-кетлиги бузилиши ёки бирортасининг амалга оширилмасдан қолиши гувоҳлантириш натижасида олинган маълумотларнинг далилий аҳамияти йўқолишига олиб келади. Яъни, бу бешта этап гувоҳлантириш механизмининг самарали ишлашини таъминлайди. Агарда бу механизмнинг алоҳида таркибий элементи сифатида ажратилган гувоҳлантирилувчининг ҳуқуқлари тушунтирилиши ва таъминланиши этапи ҳам ишламаса, гувоҳлантириш жараёнида шахс ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади.

5-§. ГУВОҲЛАНТИРИШ НАТИЖАСИДА ОЛИНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ИСБОТЛАШДА ФОЙДАЛАНИШ

ЖПКнинг талабларига амал қилинган ҳолда ўтказилган гувоҳлантириш натижасида олинган ва баённомада тегишли субъект томондан қайд этилган маълумотлардан кўздан кечириш, тинтув, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, содир этилган жиноятнинг бошқа иштирокчиларини гувоҳлантириш, сўроқ қилиш, эксперимент ва экспертиза каби тергов ҳаракатларини ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Масалан, кийимни кўздан кечиришни *гувоҳлантириши натижаларига кўра ўтказиладиган тергов ҳаракати*, деб номлаганда, гувоҳлантирилувчи жиноят содир этаётганда унинг эғнида бўлиши мумкин бўлган кийимларни кўздан кечириш назарда тутилишини қайд этиб ўтиш лозим. Бунда ушбу ҳаракат гувоҳлантириш билан битта баённомада эмас, балки алоҳида-алоҳида баённомаларда қайд этилади. Гувоҳлантириш вақтида қон кетишига сабаб бўлган жароҳатлар ёки турли моддалар таъсирида вужудга келган ва баданнинг кийим остидаги қисмларида жойлашган, лекин гувоҳлантириш чоғида гувоҳлантирилувчининг эғнидаги кийимларда мавжуд бўлмаган доғлар гувоҳлантирилувчи шахснинг эғнидаги кийимлар жиноят содир этилган пайтда унинг эғнида бўлмаганлигидан далолат бериши мумкин.

Ҳодиса содир бўлган жойни кечиктирмасдан кўздан кечиришни тадқиқ қилишда шуни эътиборга олиш керакки, бу жойнинг ижодкори, яъни яратувчиси жиноят содир этган шахснинг ўзидир. Жиноят содир этган шахснинг жиноятни содир этишдаги ҳаракат механизми бевосита унинг бадани таъминлаб беради. Қисқача қилиб айтганда, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш билан бир қаторда, жиноятни содир этишда гумон қилинувчи шахс ушланган бўлса, уни гувоҳлантиришни бир-бирига яқин вақтларда амалга ошириш керак бўлади. Чунки гумон қилинувчи шахс жиноят содир этган жой билан алоқадор бўлган, яъни воқеа жойидан унинг баданидаги ва кийимига юққан излар жиноятнинг иссиқ изидан вақтида гувоҳлантириб олинмаса, гумон қилинувчи уни йўқ қилиб юбориши ва бу ҳолат муҳим далилларнинг бой берилишига сабабчи бўлиши мумкин.

Яна шуни қайд этиш лозимки, ҳодиса жойи ва жиноят содир этган шахснинг баданини гувоҳлантириш билан бир қаторда, жабрланувчининг кийими ва бадани ҳам иложи борича, кечиктирилмасдан текширилиши лозим. Бошқача айтганда, ҳодиса содир бўлган жойда бўлган ҳаммани, яъни зарур бўлганда гувоҳнинг ҳам кечиктирилмасдан гувоҳлантирилиши жиноятнинг тез ва тўлиқ очилишини таъминлаши мумкин.

Гувоҳлантириш натижасида олинган маълумотлар асосида тинтув ёки олиб қўйиш тергов ҳаракатлари ўтказилганда гувоҳлантирилувчи шахснинг баданидан аниқланган изларнинг хусусияти эътиборга олинаши лозим.

Гувоҳлантириш ва кийимни кўздан кечириш жараёнида қидириб топиш ва олиб қўйиш шахсий тинтувнинг вазифалари ҳисобланувчи нарсалар, қимматликлар ва ҳужжатлар аниқланиб қолиши мумкин. Кўрсатилган объектлар топилгани шахсий тинтувни ўтказиш учун асос бўлади. Шахсий тинтувни ўтказиш вақтида тинтув қилинувчи шахснинг бадани ва кийимигина эмас, балки унинг ёнидаги фойдаланаётган бошқа буюмлари ҳам текширилади.

Агар ҳодиса содир бўлган жой жиноят иши бўйича илгари кўздан кечирилган бўлса, гувоҳлантириш вақтида топилган излар баъзан ҳодиса содир бўлган жойни қўшимча равишда кўздан кечиришни ўтказишни талаб этиши мумкин.

Гувоҳлантириш ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришдан олдин ўтказилган бўлса, уни ўтказиш чоғида топилган жиноят изларининг хусусияти терговчини шунга ўхшаш изларни ҳодиса содир бўлган жойда қидиришга йўналтиради. Масалан, гувоҳлантирилувчи шахсда кучли ёки кўп миқдорда қон кетиши билан боғлиқ тан жароҳатлари топилгани ҳодиса содир бўлган жойда қон изларини қидириш лозимлигидан далолат беради.

Айни вақтда гувоҳлантирилувчининг бадани ёки кийимида бўёқ ёки бошқа моддалар таъсирида вужудга келган доғлар мавжудлиги терговчига ҳодиса содир бўлган жойда бу излар вужудга келишига сабаб бўлган моддаларни ва мазкур моддалар жойлашиши мумкин бўлган предметларни қидириш лозимлигини кўрсатади. Гувоҳлантириш чоғида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган лой, чанг, тупроқ зарралари (масалан, қора тупроқ, гўнг

зарралари) кўринишидаги изларни аниқлаш ҳодиса содир бўлган жойни ёки гувоҳлантирилувчи бўлган жойни қидириб топишда маълум даражада ёрдам беради.

Гувоҳлантириш жараёнида аниқланган алоҳида белгилар, бошқа анатомик нуқсонлар (масалан, бир оёқ ёки бир қўлнинг йўқлиги, жуда катта ёки жуда кичкина товон, одамнинг тузилишини тавсифлайдиган ва ҳодиса содир бўлган жойда акс этиши мумкин бўлган бошқа алоҳида белгилари) ҳодиса содир бўлган жойда тегишли изларни янада сифатлироқ қидиришни таъминлайди.

Айрим ҳолларда, айниқса ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш лозим даражада сифатли ўтказилмаган бўлса, ҳодиса содир бўлган жой кўздан кечирилгандан кейин ўтказиладиган гувоҳлантириш жараёнида кўшимча кўздан кечириш ўтказишни талаб этувчи маълумотлар олинishi мумкин.

Баъзан жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки гувоҳни гувоҳлантириш натижасида олинган маълумотлар бошқа шахсларга нисбатан гувоҳлантиришни тайинлаш ва ўтказиш учун фактик асос бўлади. Масалан, гумон қилинувчининг баданида тан жароҳати топилмаган ва баданининг бошқа аъзоларидан қон кетмаган ҳолда қон изларининг топилиши жабрланувчининг баданида жароҳатларни топиш учун уни гувоҳлантиришни талаб этади.

Гувоҳлантиришнинг натижаларига кўра ўтказиладиган сўроқ қилиш тергов ҳаракати, одатда, у ёки бу излар ёхуд алоҳида белгилар, шунингдек тан жароҳатлари, иш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа хусусиятларнинг вужудга келиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида амалга оширилиши мумкин. Гувоҳлантирилувчи шахс, шунингдек терговчини қизиқтирган ҳолатлар бўйича бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс жинойт иши бўйича сўроқ қилиниши мумкин. Гувоҳлантириш жараёнида алоҳида белгилар, тан жароҳатлари ва бошқа белгиларнинг вужудга келган вақти, шароитлари, сабаблари ва уларнинг хусусиятларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Гувоҳлантирилувчи ўзининг баданидаги жинойтнинг излари ва тан жароҳатларини жинойт содир этилаётганда вужудга келганини рад этмаса, улар қандай қурол билан етказилганлигини, бунда жабрланувчи ва жинойт содир этган шахснинг ўзаро жойлашган жойларини ҳамда бошқа ҳолатларни аниқлаш талаб этилади.

Гувоҳлантиришнинг натижаларига кўра тайинланадиган эксперимент тергов ҳаракати гувоҳлантирилувчининг баданида топилган жароҳатлар ёки бошқа изларни муайян шароитда гувоҳлантирилувчининг ўзи етказган бўлиши мумкин ёки мумкин эмаслиги, шунингдек гувоҳлантирилувчи шахс ўзининг баданида жиноятнинг изларини, тирналган, шилинган ва қонталаш жойларни сунъий равишда ҳосил қилган бўлиши мумкин ёки мумкин эмаслиги каби масалаларни ҳал қилиш учун ўтказилади.

Барча тергов ҳаракатлари сингари гувоҳлантиришда ҳам турли фан соҳаларидаги мутахассисларнинг ёрдамидан фойдаланишга эҳтиёж туғилиши табиий. Яъни, гувоҳлантириш жараёнида жиноят излари, алоҳида белгилар ёки тан жароҳатларини аниқлаш, қайд этиш ва олиш учун, одатда, махсус билимларни қўллашга эҳтиёж туғилади.

Гувоҳлантиришда мутахассис, хусусан, шифокор иштирок этишининг мақсадга мувофиқлиги гувоҳлантириш объектининг ўзига хос хусусиятлари, шахснинг баданида жойлашиши мумкин бўлган моддий аксларнинг ранг-баранглиги, уларни аниқлаш, қайд этиш ва олишдаги объектив қийинчиликлар, шунингдек маънавий-ахлоқий омиллар билан белгиланади. Муҳими шундаки, гувоҳлантиришда иштирок этувчи шахсга анча кенг ваколатлар берилади. Масалан, гувоҳлантириш шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлса, терговчининг топшириғига биноан шифокор гувоҳлантирилувчининг баданини текширишни бевосита амалга оширади. Бироқ у ҳал қилиши лозим бўлган муайян вазифаларни терговчининг ўзи белгилайди ва улар гувоҳлантириш ўтказиш тўғрисидаги қарорда процессуал жиҳатдан мустаҳкамланади.

Шифокорнинг мутахассис сифатидаги ҳолатининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, у тиббиёт нуқтаи назаридан соғлиқ учун хавfli бўлган ҳаракатларни бажаришга қарши ўз эътирозларининг гувоҳлантириш баённомасига киритилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Гувоҳлантириш чоғида шифокор ўз тиббий билимларидан жиноят излари, алоҳида белгилар, тан жароҳатлари, мастлик ҳолатини, иш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа хусусиятлар ва белгиларни аниқлаш, қайд этиш ва олиш мақсадида фойдаланади. Хусусан, шифокор терговчининг эътиборини у сезмаган хусусият-

ларга (масалан, бирон-бир алоҳида белгини бартараф этиш оқибатида юзага келиши мумкин бўлган сезилмас чандикқа) қаратади; баданда мавжуд шикастланишлар (шилинган, қонталаш жойлар, яралар)га тавсиф беради; аниқланган шикастланишларни тўғри тавсифлашга, уларнинг жойлашган ўрнини одам танасининг тузилиши ҳақидаги анатомик маълумотларга мувофиқ аниқ кўрсатишга ёрдам беради (масалан, жароҳат елкадаги мушак устида жойлашган); жароҳат шакли, унинг ўлчамлари, хусусиятлари, рангини аниқлашга кўмаклашади, аниқланган жиноят излари (қон, сперма ва ш.к.)ни олишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширади; терговчига кузатилаётган ҳолатлар ҳақида тиббий билимлар нуқтаи назаридан маслаҳатлар беради, уларнинг сабаблари, аҳамиятини, аниқланган жароҳатлар ва жиноятнинг бошқа излари, шунингдек айрим турдаги алоҳида белгиларнинг оқибатларини тушунтиради; аниқланган изларнинг юзага келиш вақти ва механизми ҳақида, шунингдек гувоҳлантирилувчи шахс баданида у ёки бу жароҳатлар юзага келган пайтда жабрланувчи ва жиноят содир этган шахснинг қай ҳолатда бўлганлиги хусусида ўз тахминларини айтади; жиноятнинг изларини аниқлаш, қайд этиш ва олишга ёки алоҳида белгиларни топиш ва қайд этиш бўйича амалга оширган ишларининг мазмуни ҳақида тушунтиришлар беради, жиноятнинг бошқа иштирокчилари баданида ёки ҳодиса содир бўлган жойда топилиши мумкин бўлган излар ва жароҳатлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради.

ЖПКнинг 146-моддаси учинчи қисмида гувоҳлантиришда шифокордан бошқа мутахассиснинг иштирок этиш имконияти назарда тутилган¹. Яъни, учинчи қисм қуйидагича баён этилган: «Шахсни ечинтириб яланғочлаш ёки унинг баданидаги тирналган, шилинган, қонталаш жойларни аниқлаш билан боғлиқ бўлган, шунингдек ушбу Кодекс 142-моддасининг иккинчи бандида назарда тутилган гувоҳлантириш суриштирувчи, терговчи ёки суднинг топшириғига биноан шифокор ёхуд бошқа мутахассис тиббий ходим томонидан ўтказилади».

Гувоҳлантириш жараёнида трасология соҳасидаги мутахассис ёрдами анча самарали бўлиши мумкин. Гувоҳлантирилувчи шахсда

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. – Т., 2000. –Б. 227-229.

қон излари топилган ҳолда мутахассис уларнинг шаклига қараб, бу изларнинг ҳосил бўлиш механизми хусусида терговчига маслаҳатлар бериши мумкин. Бу, ўз навбатида, тергов қилинаётган жиноятнинг айрим ҳолатлари, хусусан, гумон қилинувчи ва жабрланувчининг ўзаро жойлашуви, жабрланувчига шикаст етказиш пайтида жиноят содир этган шахснинг ҳолати ҳақида айрим тахминларни илгари суриш имконини беради.

Трасология бўйича мутахассис аниқланган тан жароҳатларининг хусусиятини аниқлашда ҳам терговчига ёрдам бериши мумкин.

Номусга тегишга доир ишлар бўйича жабрланувчи ва гумон қилинувчини гувоҳлантиришда криминалистика бўйича мутахассиснинг ёрдами жуда фойдали бўлиши мумкин. Мутахассис жиноят изларини топиш, қайд этиш ва уларни тергов ҳаракати баённомасида тавсифлашда терговчига ёрдам беради¹.

Йўл-транспорт ҳодисалари натижасида жабрланувчининг баданида транспорт воситалари айрим қисмлари таъсирининг излари қолиши мумкин. Гувоҳлантиришда иштирок этувчи автотранспорт бўйича мутахассиснинг маслаҳатлари изларни қайси транспорт тури қолдирган бўлиши мумкин, деган саволга жавоб топишда ёрдам беради, бу эса транспорт воситасини янада самаралироқ қидириш учун имконият яратади.

Гувоҳлантиришда (айниқса, кийимни кўздан кечириш билан бирга ўтказиладиган гувоҳлантиришда) гиёҳвандлик воситалари, кимёвий моддаларнинг, шунингдек бошқа кимёвий бирикмаларнинг изларини топиш мўлжалланганда, суд кимёси бўйича мутахассис ёрдами ҳам фойдали бўлади. Суд кимёгари бу изларни топиш, қайд этиш, олиш ва ўрашни таъминлайди. Шу билан бирга, у гувоҳлантирилаётган шахснинг бадани ёки кийимида излари топилган модданинг табиати хусусида ўз тахминини билдириши мумкин. Гувоҳлантиришда суд кимёси бўйича мутахассис иштирокининг мақсадга мувофиқлиги мазкур тергов ҳаракатини ўтказишда аниқланган захарли моддалар одам организмига салбий таъсир кўрсатишга қодирлиги ва бу моддалар билан муомалада бўлиш кўникмаларига эга бўлмаган терговчи эса, нафақат ўз соғлигини,

¹ Гаврилин Ю. В., Шурухнов Н. Г. Криминалистика: методика расследования отдельных видов преступлений. – М., 2006. – С.80-84.

балки гувоҳлантиришнинг бошқа иштирокчилари соғлиғини ҳам хавф остида қолдириши мумкинлиги билан белгиланади.

Гувоҳлантиришда криминалистика техникаси бўйича мутахассис иштирок этса ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Криминалистика техникасининг замонавий воситалари билан жиҳозланган, махсус билимлар ва кўникмаларга эга бўлган мутахассис излар ва алоҳида белгиларни топиш, аниқ кўринмайдиган татуировкаларни аниқлашда терговчига ёрдам беради. Шунингдек, у излар, алоҳида белгилар ва тан жароҳатларини фотосуратга олиш ва видеотасвирга туширишнинг ҳар хил турлари билан қайд этиш, чизмалар чизишни таъминлайди. Масалан, пора олиш жиноятлари бўйича кимёвий моддалар билан ишлов берилган пора предметидаги изларни, шунингдек бу изларни пора олувчининг кўли ёки баданидан аниқлаш учун криминалистик техника воситаларидан фойдаланишга эҳтиёж туғилади.

Айрим ҳолларда гувоҳлантириш жараёнида гувоҳлантирилувчининг баданидаги чизилган татуировкаларнинг маъносини тушуниш учун санъатшунос таклиф қилиниши мумкин бўлади.

Гувоҳлантириш натижасида олинган маълумотлар исботлаш жараёнида у ёки бу турдаги экспертизаларни тайинлаш учун ҳам фактик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Жиноят ишини тергов қилиш жараёнида ҳақиқатни аниқлаш мақсадида, гувоҳлантирилувчи шахснинг баданида содир этилган жиноят билан боғлиқ бўлган у ёки бу моддий ўзгаришлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини қайд этишнинг ўзигина етарли эмас. Бундай шароитда изларнинг вужудга келиш механизми ва шароитларини, жароҳатларнинг хусусиятини, из қолдирган моддаларнинг хусусиятлари ва бошқа бир қатор масалаларни билиш муҳимдир. Бу саволларнинг аксариятига жавоб топиш аниқланган алоҳида белгиларни, жиноятнинг излари ва тан жароҳатларини махсус билимлардан фойдаланиб текшириш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Шу сабабли, гувоҳлантиришнинг натижалари, одатда, ҳар хил турдаги суд экспертизаларини тайинлаш учун фактик асос ҳисобланади. Уларни ўтказиш жараёнида эксперт махсус билимлар, илмий-техника воситаларидан фойдаланиб текширув ўтказди ва унинг натижаларига асосланиб терговни қизиқтирган маълумотлар

мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида хулоса чиқаради. Эксперт ўз хулосаларини жиноят иши бўйича далил ҳисобланувчи хулосада баён этади (ЖПК 81 ва 184-м.).

Терговчи экспертиза тайинлаш тўғрисида қарор чиқаргандан кейин, қуйидаги ҳаракатларни бажаради:

– суд экспертизасининг турини ва тегишли экспертиза муассасасини танлаш;

– гувоҳлантириш чоғида аниқланган жиноятнинг излари, зарур ҳолларда эса – намуналарни суд экспертизасига юбориш учун танлаб олиш ва тайёрлаш;

– эксперт олдида қўйиладиган саволларни белгилаш.

Бунда экспертиза тайинлашни расмийлаштиришга қўйиладиган процессуал талабларга риоя этиш лозим. Терговчи ЖПКнинг 180-моддаси талабларига мувофиқ экспертиза тайинлаш тўғрисида қарор чиқариши лозим. Экспертзани тайинлаш тўғрисидаги қарорда: экспертиза тайинлаш учун асос бўлган сабаблар; экспертизага юборилаётган ашёвий далиллар ва бошқа объектлар, уларнинг қачон, қаерда ва қайси ҳолатда топилганлиги ва олинганлиги; иш материаллари бўйича экспертиза ўтказишда эса эксперт хулосаси асосланиши лозим бўлган маълумотлар; эксперт олдида қўйилган саволлар; экспертиза муассасасининг номи ёки экспертиза ўтказиш топширилган шахснинг фамилияси кўрсатилади. Экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим унга тааллуқли шахслар учун мажбурийдир.

Экспертиза тайинланганда терговчи томонидан экспертиза турини танлаш муҳим аҳамият касб этади¹. Экспертиза турини танлашга гувоҳлантириш вақтида топилган алоҳида белгилар, жиноятнинг излари ёки тан жароҳатларининг хусусиятлари, шунингдек жиноят ишини тўлиқ, холисона ва сифатли тергов қилишга кўмаклашадиган вазибалар қўйилгани ўз таъсирини кўрсатади.

Гувоҳлантириш вақтида аниқланган жиноятнинг изларини экспертиза текширувидан ўтказиш учун танлаб олиш ва тайёрлаш ёки бевосита уни амалга ошириш жараёнида, ёки у яқунлангандан сўнг унда иштирок этувчи мутахассиснинг фаол ёрдами билан жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ

¹ *Колкутин В. В., Зосимов С. М. и др. Судебные экспертизы (Изд. второе, доп.) – М., 2006. – С.12.*

амалга оширилади. Жиноятнинг излари олинади, кўздан кечирилади, баённомада батафсил тавсифланади, зарур ҳолларда эса, фотосуратга олиш, видео ёки кинотасвирга тушириш ёки расмлар, чизмалар чизиш йўли билан қайд этилади, шундан сўнг ўралади ва муҳрланади (ЖПКнинг 90–92, 147-моддаларига қаранг).

Гувоҳлантириш жараёнида топилган ва олинган жиноятнинг изларидан ташқари, терговчи экспертизага бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида олинган бошқа ашёвий далилларни ҳам юбориши мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, гувоҳлантириш жараёнида иш учун аҳамиятга эга бўлган далиллар тўпланиши билан бир қаторда, жиноятнинг очилиш самарадорлигининг кўтарилишига ҳам эришиш мумкин.

Масалан, номаълум шахслар томонидан тўққиз ёшли вояга етмаган фуқаро Л. нинг қизлик иффати бузилган ҳолатда, унинг бўйнидан сим арқон орқали уч маротаба ўраб бўғиш йўли орқали ўта ваҳшийлик билан ўлдириб кетилган жасади топилганлиги ҳолати юзасидан кўзғатилган жиноят иши бўйича туман ИИБга гумон қилинувчи сифатида олиб келинган Ф. исмли вояга етмаган шахс гувоҳлантирилганда унинг баданидан жабрланувчининг тирноғи ва тишидан қолган тирналган ва тишланган изнинг аниқланиши ушбу жиноятнинг очилишига сабаб бўлган. Гувоҳлантириш ўтказилгандан кейин вояга етмаган Ф. нинг уйи тинтув қилинганда унинг уйи ювиниш хонасидан ички кийимлари (трусик ва майкаси) қон доғлари билан бирга топилган. Терговчи томонидан тайинланган суд-биологик экспертизасининг хулосаси эса, Ф. нинг уйдан топилган ички кийимидаги қон гуруҳи жабрланувчининг қон гуруҳига айнанлигини тасдиқлаган¹.

ЖПКнинг 88-моддаси талабига асосан гувоҳлантириш тергов ҳаракати соат 6:00 дан 22:00 га қадар ўтказилиши лозим. Яъни, уни тунги вақтда, кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 6:00 гача ўтказишга рухсат берилмайди. Тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноят изларининг йўқолиб кетиш хавфи туғилган ҳоллар бундан мустаснодир.

¹ Сурхондарё вилояти Узун тумани ИИБ ТБ томонидан 2006 йилда юритилган 14-06-17039-сонли жиноят иши материаллари.

Гувоҳлантиришни ўтказаетганда алоҳида белгилар, жиноят излари, тан жароҳатлари ва мастлик ҳолатларини, иш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа хусусиятлар ва белгиларни аниқлаш мазкур процессуал ҳаракатга хос бўлган усуллар ва методлар ёрдамида амалга оширилиши керак. Гувоҳлантириш жараёнида кўрсатилган вазифаларни тўла ҳал қилиш мумкин эмаслиги аён бўлса, бундай ҳолларда суд экспертизасини ўтказиш тўғрисида қарор чиқариш лозим.

Жиноят иши бўйича терговчи ўзидаги мавжуд асосларни ҳисобга олиб, гувоҳлантиришни ўтказиш кераклигига зарурат сезгач, ЖПКнинг 144-моддаси талабларига мувофиқ қарор чиқариши шарт. Қарор юридик ҳужжат бўлиб, унга мувофиқ терговчи ва гувоҳлантирилувчи шахс, шунингдек мазкур процессуал ҳаракатнинг бошқа иштирокчилари ўртасида тегишли процессуал ҳуқуқий муносабатлар юзага келади.

**ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖПКНИНГ ГУВОҲЛАНТИРИШ ТЕРГОВ
ҲАРАКАТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ**

Т/р	ЖПКда гувоҳлан-тиришнинг жойлашуви	Модданинг рус тилидаги таҳрири	Модданинг ўзбек тилидаги таҳрири [□]	ЎЗР ЖПКдан фарқли ва ўхшаш томонлари
1.	Армения Республикаси ЖПК XXIX боб (Кўздан кечириш, эксгумация ва гувоҳлан-тириш), 220-модда ¹	<p>Статья 220. Освидетельствование</p> <p>1. Следователь вправе произвести освидетельствование подозреваемого, обвиняемого, свидетеля или потерпевшего для обнаружения на их теле следов преступления или особых примет, если для этого не требуется судебно-медицинской экспертизы.</p> <p>2. О производстве освидетельствования следователь выносит постановление. Это постановление является обязательным для лица, в отношении которого оно вынесено.</p> <p>3. При необходимости освидетельствование производится с участием специалиста в области судебной медицины или врача. Освидетельствование, которое сопровождается обнажением освидетельствуемого лица, производится в присутствии понятых того же пола.</p> <p>4. Следователь не вправе присутствовать при освидетельствовании лица другого пола, если освидетельствование сопровождается обнажением этого лица. В этом случае, по поручению следователя, освидетельствование производит специалист в области судебной медицины или врач.</p> <p>5. По окончании освидетельствования следователь составляет протокол, представляющий его результаты. Протокол подписывается всеми участниками следственного действия, которые вправе требовать внесения в него своих замечаний.</p>	<p>220-модда. Гувоҳлан-тириш</p> <p>1. Терговчи гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг танасида жиноят изларини ёки алоҳида белгиларни аниқлаш мақсадида, агарда бунинг учун суд тиббиёти экспертизаси ўтказиш талаб қилинмаса, гувоҳлан-тириш ўтказишга ҳақлидир.</p> <p>2. Гувоҳлан-тириш ўтказиш тўғрисида терговчи қарор чиқаради. Бу қарор кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахсга нисбатан мажбурийдир.</p> <p>3. Зарур ҳолларда гувоҳлан-тириш суд тиббиёти соҳасидаги мутахассис ёки шифокор иштирокида амалга оширилади. Гувоҳлан-тириш шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлса, гувоҳлан-тирилувчи билан бир хил жинсдаги холислар иштирокида ўтказилади.</p> <p>4. Гувоҳлан-тириш ўзга жинсдаги шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган бўлса, терговчи иштирок этишга ҳақли эмас. Бундай ҳолларда, гувоҳлан-тириш-ни терговчининг топширигига асосан, суд тиббиёти соҳасидаги мутахассис ёки шифокор ўтказилади.</p> <p>5. Гувоҳлан-тириш ўтказилганлиги тўғрисида терговчи баённома тузиб, унда гувоҳлан-тиришнинг натижалари қайд қилинади. Гувоҳлан-тириш баённомаси унга ўз эътирозларини билдириш ҳуқуқига эга бўлган барча иштирокчилар томонидан имзоланади.</p>	<p>биринчидан: гувоҳлан-тиришнинг ҳар қандай экспертиза эмас, балки фақат суд тиббиёти экспертизаси ўтказишни талаб қилмайдиган ҳолларда ўтказилиши белгиланган.</p> <p>иккинчидан: одамнинг баданидаги иш учун ахамиятга молик хусусият ёки аломатларни, унинг жисмоний ривожланганлиги тўғрисидаги маълумотларни, доғларни, тирналган, шилинган қон-талаш жойларни, шунингдек шахснинг мастлик ва бошқа физиологик ҳолатларини аниқлаш каби вазифалар гувоҳлан-тиришнинг вазифаларига киритилмаган.</p> <p>учинчидан: шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлган гувоҳлан-тиришда гувоҳлан-тирилувчи шахс билан холисларнинг бир хил жинсли бўлиши лозимлиги кўрсатилган.</p> <p>тўртинчидан: Армения ЖПКнинг фақат 220-моддаси асосида гувоҳлан-тириш тартибга солинган.</p>

□ Ўзбек тилидаги таржима муаллифнинг ўзи томонидан амалга оширилган.

¹ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Армения. 01.07.1998, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

2.	<p>Озарбайжон Республикаси ЖКК XXIX боб (Куздан кечиринч, эксгумация ва гувоҳланти-риш), 238-модда¹</p>	<p>Статья 238. Освидетельствование 238.1. Следователь вправе произвести освидетельствование подозреваемого, обвиняемого, потерпевшего или свидетеля для установления на его теле следов преступления или наличия особых примет, если при этом не требуется судебно-медицинской экспертизы. 238.2. Постановление суда или следователя о производстве освидетельствования обязательно для лица, в отношении которого оно вынесено. Освидетельствование лица против его воли производится только по постановлению суда, за исключением случаев задержания или ареста лица. 238.3. В освидетельствовании обвиняемого или подозреваемого имеет право участвовать его защитник. 238.4. В необходимых случаях освидетельствование производится с участием врача или специалиста в области судебной медицины. Освидетельствование, сопровождающееся обнажением освидетельствуемого, производится в присутствии лиц одного с освидетельствуемым пола. 238.5. Следователь, защитник обвиняемого или подозреваемого не могут присутствовать при производстве следственного действия, если требуется обнажение лица другого пола. В этом случае по поручению следователя освидетельствование производится с участием врача или специалиста в области судебной медицины. 238.6. По окончании освидетельствования следователь составляет протокол данного следственного действия, в котором указываются: 238.6.1. время, дата и место производства освидетельствования; 238.6.2. фамилия, имя, отчество и должность следователя; 238.6.3. должность, фамилия, имя, отчество специалиста в области судебной медицины или врача, участвовавшего в освидетельствовании; 238.6.4. фамилия, имя, отчество лиц, участвовавших в освидетельствовании, а также год, месяц, число и место их рождения, гражданство, образование, место работы, род занятий или должность, место фактического проживания и регистрации; 238.6.5. все обнаруженное при освидетельствовании в той последовательности, как наблюдалось.</p>	<p>238-модда. Гувоҳланти-риш 238.1. Терговчи гумон килинувчи, айбланувчи, жабранувчи ва гувоҳнинг танасида жиноятнинг изларини, алоҳида белгиларни аниклаш мақсадида, агарда бунинг учун суд тиббиёти экспертизаси ўтказиш лозим бўлмаса, гувоҳлантириш ўтказиши мумкин. 238.2. Гувоҳлантириш ўтказиш тўғрисидаги суд ёки терговчи томонидан чиқарилган қарор қайси шахсга тегишли бўлса, ўша шахсга нисбатан мажбурийдир. Мажбурий гувоҳлантириш шахс ушланган ёки қамоққа олинган ҳолатларни истисно қилганда, фақат суднинг қарори асосида амалга оширилади. 238.3. Гумон килинувчи ёки айбланувчининг ҳимоячиси уларни гувоҳлантириш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга. 238.4. Гувоҳлантириш, зарур ҳолларда, шифокор ёки суд-тиббиёти соҳасидаги мутахассис иштирокида амалга оширилади. Гувоҳлантириш гувоҳлантирилувчини ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлса, гувоҳлантирилувчи билан бир хил жинсдаги шахслар иштирокида ўтказилади. 238.5. Гувоҳлантириш ўзга жинсдаги шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган бўлса, терговчи, гумон килинувчи ёки айбланувчининг ҳимоячиси ушбу тергов ҳаракатида иштирок этмайди. Бундай ҳолатларда гувоҳлантириш терговчининг топшириғига асосан, шифокор ёки суд тиббиёти соҳасидаги мутахассис томонидан ўтказилади. 238.6. Гувоҳлантириш ўтказиб бўлингандан кейин терговчи ушбу тергов</p>	<p>биринчидан: одамнинг баданидаги иш учун аҳамиятга молик хусусият ёки аломатларни, унинг жисмоний ривожланганлиги тўғрисидаги маълумотларни, доғларни, тирналган, шилланган конталаш жойларни, шунингдек шахснинг мастлик ва бошқа физиологик ҳолатларини аниклаш каби вазифалар гувоҳлантиришнинг вазифаларига киририлмаган. иккинчидан: мажбурий гувоҳлантириш шахс ушланган ёки қамоққа олинган ҳолатларни истисно қилганда, фақат суднинг қарори асосида амалга оширилиши бунинг қонунчиликдаги қоидалардан тубдан фарқ қилади. учинчидан: шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлган гувоҳлантиришда гувоҳлантирилувчи шахс билан холисларнинг бир хил жинсли бўлишлари лозимлиги кўрсатилган. тўртинчидан: гувоҳлантириш Озарбайжон Республикаси ЖККда фақат битта – 238-модда билан тартибга солинган бўлса, ЎзР ЖККда 6 та модда, яъни, 142–147-моддалари билан тартибга солинган.</p>
----	---	--	---	--

¹ Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджана, 2000, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

		238.7. Протокол освидетельствования подписывается всеми участниками следственного действия, имеющими право требовать внесения в него своих замечаний. Если протокол составлен на нескольких страницах, участники следственного действия подписывают каждый его лист.	харакатининг ўтказилганлиги тўғрисида баённома тузади ва баённомада қуйидагиларни кўрсатади: 238.6.1. Гувоҳлантириш ўтказилган вақти, санаси ва жойи; 238.6.2. Терговчининг исм-шарифи ва лавозими; 238.6.3. Гувоҳлантиришда иштирок этган суд тиббиёти мутахассиси ёки шифокорнинг исм-шарифи ва лавозими; 238.6.4. Гувоҳлантириш жараёнида иштирок этган шахсларнинг исм-шарифи, туғилган йили, оийи, куни ва жойи, фуқаролиги, маълумоти, иш жойи, касби ва лавозими, ҳақиқий турар ва рўйхатдан ўтган жойи; 238.6.5. Гувоҳлантиришда аниқланган маълумотлар қандай қузатилган бўлса, ўша кетма-кетликда келтирилади. 238.7. Гувоҳлантириш баённомаси унга ўз эътирозларини билдириш ваколатига эга бўлган барча иштирокчилар томонидан имзоланади. Агар гувоҳлантириш баённомаси бир неча саҳифадан иборат бўлса, иштирокчилар унинг ҳар бир саҳифасига ўз имзоларини қўядилар.	
3.	Беларусь Республикаси ЖПК XXIII боб (Кўздан кечириш, гувоҳлантириш, тергов эксперименти) 206-модда¹	Статья 206. Освидетельствование 1. Для обнаружения на теле человека особых примет, следов преступления, телесных повреждений, выявления состояния опьянения или иных свойств и признаков, имеющих значение для уголовного дела, если для этого не требуется проведения экспертизы, может быть проведено освидетельствование подозреваемого, обвиняемого, потерпевшего в случае совершения в отношении его тяжкого или особо тяжкого преступления. О проведении освидетельствования следователь, дознаватель выносят постановление. 2. Постановление о проведении освидетельствования обязательно для подозреваемого, обвиняемого, потерпевшего. В случае отказа они могут быть освидетельствованы принудительно. 3. Освидетельствование проводится следователем, дознавателем с участием врача, а при необхо-	206-модда. Гувоҳлантириш 1. Оғир ва ўта оғир жиноят содир этилганда, шахснинг баданидаги алоҳида белгиларни, жиноятнинг изларини, тан жароҳатларини, мастлик ҳолати ёки жиноят иши учун аҳамиятли бўлган хусусият ва аломатларни аниқлаш мақсадида, агарда бунинг учун экспертиза ўтказиш лозим бўлмаса, гумон қилинувчи, айбланувчи ва жабрланувчи гувоҳлантирилиши мумкин. Гувоҳлантириш ўтказиш тўғрисида терговчи, суриштирувчи қарор чиқаради. 2. Гувоҳлантириш тўғрисидаги қарор гумон қилинувчи, айбланувчи ва жабрланувчи учун маж-	биринчидан: бизнинг ЖПКдаги талаблардан фарқли равишда, Беларусь қонунчилигига асосан, гувоҳлантириш фақат оғир ва ўта оғир жиноят содир этилганда ўтказилиши мумкинлиги кўрсатилган. иккинчидан: одамнинг баданидаги иш учун аҳамиятга молик хусусият ёки аломатларни, унинг жисмоний ривожланганлиги тўғрисидаги маълумотларни, доғларни, тирналган, шилинган конталаш жойларнинг аниқланиши каби вазифалар гувоҳлантиришнинг вазифаларига киритилмаган. учинчидан: гувоҳни гувоҳлантириш мумкин ёки мумкин эмаслиги

¹ Уголовно-процессуальный кодекс Беларуси. – Минск, 1999, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

		<p>димости - и другого специалиста.</p> <p>4. Следователь, дознаватель не присутствуют при освидетельствовании лица другого пола, если освидетельствование сопровождается обнажением тела этого лица. В этом случае освидетельствование проводится врачом в присутствии понятых одного пола с освидетельствуемым.</p> <p>5. О проведении освидетельствования составляется протокол с соблюдением требований статей 193 и 194 настоящего Кодекса.</p>	<p>бурийдир. Улар гувоҳлан-тиришдан бош тортган тақдирда, мажбурий тартибда гувоҳлан-тирилади-лар.</p> <p>3. Гувоҳлан-тириш суриштирувчи, терговчи томонидан шифокор иштирокида, зарур ҳолларда эса, бошқа мутахассис иштирокида ўтказилади.</p> <p>4. Гувоҳлан-тириш ўзга жинсдаги шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ ҳолда ўтказил-диган бўлса, гувоҳлан-тиришда суриштирувчи ва терговчи иштирок этмай-ди. Бундай ҳолларда гу-воҳлан-тириш шифокор томонидан гувоҳлан-тири-ладиган шахс билан бир хил жинсдаги холислар иштирокида ўтказилади.</p> <p>5. Гувоҳлан-тириш ўтказилганлиги тўғрисида ушбу кодекснинг 193 ва 194-моддалари талаблари асо-сида баённома тузилади.</p>	<p>тўғрисида ҳеч қандай қоида мавжуд эмас.</p> <p>тўртинчидан: шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлган гувоҳлан-тиришда гу-воҳлан-тирилувчи шахс билан холисларнинг бир хил жинсли бўлиши лозимлиги кўрсатилган.</p>
4.	<p>Молдова Республикаси ЖПК IV бўлим (Далиллар ва исботлаш воситалари) III боб (Исботлаш воситаси ва исботлаш усуллари) 3-қисм (Кўздан кечир-иш, гувоҳлан-тириш, эксгумация, кўрсатув-ларни ҳодиса содир бўлган жойда текши-риш ва экспери-мент), 119, 124-моддалар¹</p>	<p>Статья 119. Освидетельствование</p> <p>(1) Орган уголовного преследования вправе произвести освидетельствование подозреваемого, обвиняемого, подсудимого, свидетеля или потерпевшего с его согласия или с санкции судьи по уголовному преследованию на основании мотивированного постановления органа уголовного преследования для установления на его теле следов преступления или наличия особых примет в случае, если для этого не требуется проведение судебно-медицинской экспертизы.</p> <p>(2) При явном совершении преступления освидетельствование производится без санкции судьи по уголовному преследованию, но в этом случае в течение 24 часов он должен быть уведомлен о произведенном действии с представлением ему соответствующих материалов дела для проверки законности действия.</p> <p>(3) При необходимости освидетельствование производится с участием врача.</p> <p>(4) Лицо, осуществляющее уголовное преследование, не присутствует при освидетельствовании лица другого пола, если освидетельствование сопровождается обнажением данного лица. В этом случае освидетельствование производится врачом.</p>	<p>119-модда. Гувоҳлан-тириш</p> <p>(1) Жиноятчиликка қарши курашувчи орган гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг баданидаги жиноятнинг излари ва алоҳида белгиларни аниқлаш мақсадида, агарда бунинг учун суд тиббиёти экспертизаси ўтказиш талаб этилмаса, уларнинг розилиги билан ёки жиноят ишини юритувчи томонидан чиқарилган ва суднинг санкцияси олинган қарор асосида гувоҳлан-тириш ўтказиши мумкин.</p> <p>(2) Жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи аниқ белгиларнинг мавжудлигида гувоҳлан-тириш суднинг санкцияси олмадан ҳам ўтказилиши мумкин бироқ бундай ҳолларда суд 24 соатлик муддат ичида ўтказилган тергов ҳаракатларидан хабардор қилиниши ва шу ишга тегишли ҳужжатлар ушбу тергов ҳаракати қонун талаблари асосида ўтка-</p>	<p>биринчидан: одамнинг баданидаги иш учун аҳамиятга молик хусусият ёки аломатларни, унинг жисмоний ривожланганлиги тўғрисидаги маълумотларни, доғларни, тирналган, шиллинган қонталаш жойларнинг аниқланиши каби вазифалар гувоҳлан-тиришнинг вазифаларига қиритилмаган.</p> <p>иккинчидан: гувоҳлан-тириш гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг розилиги асосида амалга оширилади. Агарда улар гувоҳлан-тиришга қарши бўлсалар, жиноят ишини юритувчи субъектлар томонидан чиқарилган ва суднинг санкцияси олинган қарор асосида гувоҳлан-тириш ўтказилиши мумкин.</p> <p>учинчидан: гувоҳлан-тиришнинг қонун талаблари асосида ўтказилиши бўйича дастлабки тергов устидан суд назорати ўрнатилган. Яъни, Гувоҳлан-тириш</p>

¹ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова. – 2003, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

		<p>(5) При освидетельствовании запрещаются действия, унижающие достоинство освидетельствуемого лица или опасные для его здоровья.</p> <p>Статья 124. Протокол осмотра, освидетельствования, эксгумации, воспроизведения события и эксперимента О производстве осмотра, освидетельствования, осмотра трупа, эксгумации, воспроизведения события и эксперимента составляется протокол в соответствии с требованиями статей 260 и 261, в котором детально описываются все обстоятельства, ход и результаты соответствующего процессуального действия, особенности использованных технических средств. К протоколу приобщаются схемы, проекты и материалы, отражающие применение технических средств.</p>	<p>зилганлигини текшириш учун судга тақдим қилиниши лозим.</p> <p>(3) Зарурат туғилган ҳолларда гувоҳлантириш шифокор иштирокида ўтказилади.</p> <p>(4) Гувоҳлантириш шахсни ечинтириб яланғочлаган ҳолда ўтказиладиган бўлса, жиноят ишларини юритиш ваколатига эга бўлган шахс иштирок этмайди. Бундай ҳолатларда гувоҳлантириш шифокор томонидан ўтказилади.</p> <p>(5) Гувоҳлантириш жараёнида гувоҳлантирилувчи шахснинг шаъни ва кадр-қимматига путур етказадиган ёки унинг соғлиғи учун хавфли бўлган ҳаракатлар содир этилишига йўл қўйилмайди.</p> <p>124-модда. Кўздан кечириш, гувоҳлантириш, мурдани эксгумация қилиш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва эксперимент баённомаси Кўздан кечириш, гувоҳлантириш, мурдани кўздан кечириш, мурдани эксгумация қилиш, воқеа-ҳодисаларни қайта тиклаш ва эксперимент тергов ҳаракати ўтказилганлиги тўғрисида 260 ва 261-моддалар талаблари асосида баённома тузилиб, унда барча аниқланган ҳолатлар, тегишинча процессуал ҳаракатларнинг амалга оширилиши ва натижалари тўлиқлигича ёзилиши ва фойдаланилган техника воситаларнинг хусусиятлари кўрсатилади. Баённомага чизмалар, лойиҳалар ва техника воситаларидан фойдаланганлигини кўрсатувчи материаллар илова қилинади.</p>	<p>жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи аниқ белгилар мавжуд бўлганда суднинг санкциясини олмасдан ҳам ўтказилиши мумкин бўлиб, бундай ҳолларда 24 соатлик муддат ичида шу ишга тегишли ҳужжатлар ушбу тергов ҳаракати қонун талаблари асосида ўтказилганлигини текшириш учун судга тақдим қилиниши лозим.</p> <p>тўртинчидан: гувоҳлантириш жараёнида гувоҳлантирилувчининг шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳамда унинг соғлиғига зарар етказадиган ҳаракатларни амалга оширишнинг тақиқланиши бевосита гувоҳлантиришни тартибга солувчи модданинг ўзида акс эттирилган.</p>
5.	<p>Россия Федерацияси ЖКК XXIV боб (Кўздан кечириш. Гувоҳлантириш. Тергов эксперименти), 179–180-моддалар¹</p>	<p>Статья 179. Освидетельствование 1. Для обнаружения на теле человека особых примет, следов преступления, телесных повреждений, выявления состояния опьянения или иных свойств и признаков, имеющих значение для уголовного дела, если для этого не требуется производство судебной</p>	<p>179-модда. Гувоҳлантириш 1. Шахснинг баданида жиноятнинг изларини, алоҳида белгиларни, тан жароҳатларини, мастлик ҳолати ёки жиноят иши учун аҳамиятга эга бўлган хусусият ва аломат-</p>	<p>биринчидан: одамнинг баданидаги иш учун аҳамиятга молик хусусият ёки аломатларни, унинг жисмоний ривожланганлиги тўғрисидаги маълумотларни ва доғларнинг аниқланиши каби вазифалар гувоҳ-</p>

¹ Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. – СПб., 2005. – С.624., <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

		<p>экспертизы, может быть произведено освидетельствование подозреваемого, обвиняемого, потерпевшего, а также свидетеля с его согласия, за исключением случаев, когда освидетельствование необходимо для оценки достоверности его показаний.</p> <p>2. О производстве освидетельствования следователь выносит постановление, которое является обязательным для освидетельствуемого лица.</p> <p>3. Освидетельствование производится следователем. При необходимости следователь привлекает к участию в производстве освидетельствования врача или другого специалиста.</p> <p>4. При освидетельствовании лица другого пола следователь не присутствует, если освидетельствование сопровождается обнажением данного лица. В этом случае освидетельствование производится врачом.</p> <p>5. Фотографирование, видеозапись и киносъемка в случаях, предусмотренных частью четвертой настоящей статьи, проводятся с согласия освидетельствуемого лица.</p> <p>Статья 180. Протокол осмотра и освидетельствования</p> <p>1. Протоколы осмотра и освидетельствования составляются с соблюдением требований настоящей статьи, статей 166 и 167 настоящего Кодекса.</p> <p>2. В протоколах описываются все действия следователя, а также все обнаруженное при осмотре и (или) освидетельствовании в той последовательности, в какой производился осмотр и освидетельствование, и в том виде, в каком обнаруженное наблюдалось в момент осмотра и освидетельствования. В протоколах перечисляются и описываются все предметы, изъятые при осмотре и (или) освидетельствовании.</p> <p>3. В протоколах также должно быть указано, в какое время, при какой погоде и каком освещении производился осмотр или освидетельствование, какие технические средства были применены и какие получены результаты, какие предметы изъяты</p>	<p>ларни аниқлаш мақсадида, агарда бунинг учун экспертиза ўтказиш лозим бўлмаса, гумон қилинувчи, айбланувчи ва жабрланувчиларни, шунингдек гувоҳларни уларнинг розилиги билан гувоҳлантириш ўтказилиши мумкин, уларнинг кўрсатувлари ҳаққонийлигини текшириш учун гувоҳлантириш зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно.</p> <p>2. Гувоҳлантириш ўтказиш тўғрисида терговчи гувоҳлантирилувчи шахс томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарор чиқаради.</p> <p>3. Гувоҳлантиришни терговчи ўтказди. Зарурат туғилганда, терговчи ушбу тергов ҳаракатига шифокор ёки бошқа мутахассисни жалб қилиши мумкин.</p> <p>4. Гувоҳлантириш шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ ҳолда ўтказилса, унда терговчи иштираётган этмайди. Бундай ҳолларда гувоҳлантириш шифокор томонидан ўтказилади.</p> <p>5. Ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда гувоҳлантирилувчини фотосуратга, видео ва кинотасвирга тушириш унинг розилиги билан амалга оширилади.</p> <p>180-модда. Кўздан кечириш ва гувоҳлантириш баённомаси</p> <p>1. Кўздан кечириш ва гувоҳлантириш баённомаси ушбу модда, ҳамда ушбу Кодекснинг 166 ва 167-моддалари талаблари асосида тузилади.</p> <p>2. Баённомада терговчининг барча ҳаракатлари, шунингдек кўздан кечириш ва (ёки) гувоҳлантириш жараёнида барча аниқланган нарсалар кўздан кечириш ва гувоҳлантириш ўтказилган бўлса ҳамда қайси кетма-кетликда кўздан кечириш ва гувоҳлантириш пайтида аниқланган нарсалар қандай кўринишда бўлса, шундайлигича баён қилинади. Баённомада кўздан кечириш ва (ёки) гувоҳлантириш жараёнида</p>	<p>лантиришнинг вази-фаларига киритилмаган.</p> <p>иккинчидан: ЎзР ЖПКнинг 142-моддасидаги тирналган, шилинган ва конталаш жойларни аниқланиши каби гувоҳлантиришнинг вази-фаси Россия Федерацияси ЖПКнинг 179-моддасида «тан жароҳатлари» атамаси билан ифодаланган.</p> <p>учинчидан: гувоҳ фақатгина унинг розилиги билан гувоҳлантирилади.</p> <p>тўртинчидан: гувоҳлантириш шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ ҳолда ўтказилса, гувоҳлантирилувчининг баданини фотосуратга, видео ва кинотасвирга тушириш унинг розилиги билан амалга оширилади.</p>
--	--	---	--	--

		и опечатаны и какой печатью, куда направлены после осмотра труп или предметы, имеющие значение для уголовного дела.	олинган барча ашёлар бирма-бир ёзиб кўрсатиб ўтилади. 3. Шунингдек, баённомада кўздан кечириш ва гувоҳлантириш қайси вақтда, қандай об-ҳаво шароитида ва қандай ёруғликда ўтказилганлиги, қандай техник воситалар қўлланилганлиги ва қандай натижалар олинганлиги, қайси ашёлар олинганлиги ва қайси муҳр босилганлиги, иш учун аҳамиятга эга бўлган ашёлар ёки мурда кўздан кечирилганидан кейин қаерга юборилганлиги кўрсатилиши лозим.	
6.	Туркменистон Республикаси ЖКК XXVIII боб (Кўздан кечириш, эксгумация ва гувоҳлантириш), 265–266-моддалар ¹	<p>Статья 265. Освидетельствование</p> <p>1. Следователь вправе произвести освидетельствование подозреваемого, обвиняемого, свидетеля или потерпевшего для установления на их теле следов преступления или наличия особых примет, а также физического состояния этих лиц, если при этом не требуется производство экспертизы.</p> <p>2. О проведении освидетельствования подозреваемого, обвиняемого следователь выносит постановление, обязательное для выполнения. Принудительное освидетельствование потерпевшего и свидетеля производится с санкции прокурора.</p> <p>3. Освидетельствование производится следователем с участием врача или другого специалиста, а при невозможности их участия - в присутствии понятых.</p> <p>4. В тех случаях, когда это следственное действие сопровождается обнажением освидетельствуемого лица, освидетельствование производится в присутствии понятых того же пола.</p> <p>5. Следователь не присутствует при освидетельствовании лица другого пола, если освидетельствование сопровождается обнажением тела человека. В этом случае освидетельствование производится врачом или специалистом в области судебной медицины в присутствии понятых.</p> <p>6. При освидетельствовании не допускаются действия, унижающие достоинство, или опасные для здоровья освидетельствуемого лица.</p>	<p>265-модда.</p> <p>Гувоҳлантириш</p> <p>1. Терговчи гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ ёки жабрланувчининг баданидаги жиноятнинг изларини ёки алоҳида белгилар мавжудлигини, шунингдек ушбу шахсларнинг жисмоний ҳолатини аниқлаш мақсадида, башарти экспертиза ўтказиш талаб қилинмайдиган бўлса, гувоҳлантириш ўтказиши мумкин.</p> <p>2. Терговчи гумон қилинувчи ва айбланувчини гувоҳлантириш учун гувоҳлантириш тўғрисида улар бажариши мажбурий бўлган қарор чиқаради. Жабрланувчи ва гувоҳни мажбурий гувоҳлантириш прокурорнинг санкцияси билан ўтказилади.</p> <p>3. Гувоҳлантириш терговчи томонидан шифокор ёки бошқа мутахассис иштирокида, уларнинг иштирокини таъминлашнинг иложи бўлмаганда эса, холислар иштирокида ўтказилади.</p> <p>4. Гувоҳлантириш шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган бўлса, унда иштирок этаётган холислар гувоҳлантирилувчи билан бир хил жинсли бўлишлари лозим.</p> <p>5. Гувоҳлантириш шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ ҳолда ўтқа-</p>	<p><i>биринчидан:</i> экспертиза ўтказишни талаб қилмайдиган ҳолларда одамнинг баданидаги иш учун аҳамиятга молик хусусият ёки аломатларни, доғларни, тирналган, шилинган қонталаш жойларни, шунингдек шахснинг мастлик ва бошқа физиологик ҳолатларини аниқлаш каби вазифалар гувоҳлантиришнинг вазифаларига киритилмаган.</p> <p><i>иккинчидан:</i> Туркменистон Республикаси ЖККга асосан, гувоҳ ва жабрланувчини гувоҳлантириш учун прокурорнинг санкциясини олиш талаб этилади.</p> <p><i>учинчидан:</i> гувоҳлантириш жараёнида гувоҳлантирилувчининг шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат қилиниши бевожуб гувоҳлантиришни тартибга солиш учун модданинг ўзида акс эттирилган.</p> <p><i>тўртинчидан:</i> гувоҳлантириш баённомаси миллий қонунчилигимиздан фарқи равишда, алоҳида қонун нормаси билан тартибга солилмаган. Яъни, гувоҳлантириш баённомаси кўздан кечириш ва эксгумация баённомасининг тузилиши билан бирга битта моддада ўз</p>

¹ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Туркменистан. 2008, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

		<p>Статья 266. Протокол осмотра, эксгумации, освидетельствования</p> <p>1. О производстве осмотра, эксгумации, освидетельствования, следователь составляет протокол с соблюдением требований статьи 117 настоящего Кодекса.</p> <p>2. В протоколе описываются все действия следователя, а равно все обнаруженное при осмотре, эксгумации и освидетельствовании в той последовательности, в какой производились указанные следственные действия, и в том виде, в каком обнаруженное наблюдалось в момент осмотра, эксгумации и освидетельствования. В протоколе перечисляются и описываются все объекты, изъятые при осмотре, эксгумации, освидетельствовании.</p> <p>3. В протоколе, кроме того, должно быть указано:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1) в какое время, при какой погоде и каком освещении производились осмотр, эксгумация, освидетельствование; 2) какие технические средства были применены и какие получены результаты; 3) кто был привлечен к производству указанных следственных действий, и в чем это участие выразилось; 4) какие объекты опечатаны и какой печатью; 5) куда направлены после осмотра труп или предметы, имеющие значение для дела. 	<p>зилса, унда терговчи иштирок этмайди. Бундай ҳолларда гувоҳлантириш шифокор ёки суд тиббиёти соҳасидаги мутахассис томонидан ҳолислар иштирокида ўтказилади.</p> <p>6. Гувоҳлантириш жараёнида гувоҳлантирилувчи шахнинг шаъни ва кадр-қимматига путур етказадиган ёки унинг соғлиги учун хавfli бўлган ҳаракатлар содир этилишига йўл қўйилмайди.</p> <p>266-модда. Қўздан кечириниш, эксгумация ва гувоҳлантириш баённомаси</p> <p>1. Терговчи қўздан кечириниш, мурдани эксгумация қилиш ва гувоҳлантириш ўтказилганлиги тўғрисида ушбу Кодекснинг 117-моддаси талаблари асосида баённома тузади.</p> <p>2. Баённомада терговчининг барча ҳаракатлари, шунингдек қўздан кечиринишда аниқланган ҳолатлар, эксгумация ва гувоҳлантиришнинг муайян изчиликда ўтказилганлиги, қўздан кечириниш, эксгумация ва гувоҳлантириш жараёнида нималар қай ҳолатда аниқланганлиги ифодаланади. Баённомада қўздан кечириниш, эксгумация ва гувоҳлантириш жараёнида олинган барча ашёлар бирма-бир ёзиб кўрсатиб ўтилади.</p> <p>3. Бундан ташқари, баённомада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1) қўздан кечириниш, эксгумация ва гувоҳлантириш қайси вақтда, қандай об-ҳаво шароитида ва қандай ёруғликда ўтказилганлиги; 2) қандай техник воситалар қўлланилганлиги ва қандай натижалар олинганлиги; 3) ушбу тергов ҳаракатларига кимлар жалб қилинганлиги, уларнинг иштироки нималар билан ифодаланиши; 4) қайси ашёлар муҳрланганлиги ва қайси муҳр босилганлиги; 5) иш учун аҳамиятга эга бўлган ашёлар ёки мурда қўздан кечирилганидан кейин қаерга юборилганлиги. 	<p>аксини топган.</p>
--	--	--	---	-----------------------

7.	Украина Республикаси ЖПК XVII боб (Кўздан кечириш, гувоҳлантириш ва кўрсатувлар-ни ходиса содир бўлган жойда текшириш), 193-модда ¹	<p>Статья 193. Проведение освидования</p> <p>При необходимости выявить або засвідчити наявність у обвинуваченого, підозрюваного або у потерпілого чи свідка особливих прикмет слідчий вносить про це постанову і проводить освидования.</p> <p>Якщо необхідно провести судово-медичне освидования обвинуваченого, підозрюваного, потерпілого або свідка, то таке освидования за вказівкою слідчого проводить судово-медичний експерт або лікар.</p> <p>Слідчий не вправі бути присутнім при освидованні особи іншої статі, коли це зв'язане з необхідністю оголошувати особу, що підлягає освидованню. При освидованні не допускаються дії, які принижують гідність освидованої особи або небезпечні для її здоров'я.</p> <p>Про результати освидования, проведеного слідчим, складається протокол, який підписують слідчий та освидований. При судово-медичному освидованні складають акт, а коли освидования проводить лікар, він видає довідку.</p>	<p>193-модда. Гувоҳлантириш ўтказиш</p> <p>Зарурат бўлганда, терговчи гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг баданида алоҳида белгиларни аниқлаш мақсадида, қарор чиқариб, гувоҳлантириш ўтказиши.</p> <p>Айрим ҳолларда гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳга нисбатан суд-тиббий гувоҳлантириш ўтказилади ва уни суд тиббиёт соҳасидаги мутахассис ёки шифокор амалга оширади.</p> <p>Гувоҳлантириш шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ ҳолда ўтказилса, унда терговчи иштирок этмайди. Гувоҳлантириш жараёнида гувоҳлантирилувчи шахсининг шаъни ва кадр-қимматига путур етказадиган ёки унинг соғлиғи учун хавфли бўлган ҳаракатлар содир этилишига йўл қўйилмайди.</p> <p>Гувоҳлантириш ўтказилганлиги тўғрисида терговчи баённома тузади. Суд-тиббий гувоҳлантиришда эса, шифокор ёки суд тиббиёти мутахассиси далолатнома тузади.</p>	<p>биринчидан: одамнинг баданидаги иш учун аҳамиятга молик хусусият ёки аломатларни, алоҳида белгиларни, унинг жисмоний ривожланганлиги тўғрисидаги маълумотларни, доғларни, тирналган, шилинган қонталаш жойларни, мастлик ва бошқа физиологик ҳолатларни аниқланиши каби вазифалар гувоҳлантирининг вазифаларига киритилмаган.</p> <p>иккинчидан: бошқа мамлакатлар ЖПК, шунингдек бизнинг ЖПКдан фарқли равишда, суд-тиббий гувоҳлантириш ўтказилиши мумкинлиги қайд этилган. Бу турдаги гувоҳлантиришни шифокор ёки суд тиббиёти мутахассиси ўтказиши ва унинг натижалари бўйича терговчи томонидан ўтказиладиган гувоҳлантиришдан фарқли равишда, шифокор ёки суд тиббиёти мутахассиси далолатнома тузиши лозимлиги кўрсатилган.</p> <p>учинчидан: гувоҳлантириш жараёнида гувоҳлантирилувчи шахсининг шаъни ва кадр-қимматига путур етказадиган ёки унинг соғлиғи учун хавфли бўлган ҳаракатлар содир этилишига йўл қўйилмаслиги гувоҳлантиришни тартибга солувчи модданинг ўзида акс эттирилган.</p>
8.	Эстония Республикаси ЖПК XV боб (Кўздан кечириш ва гувоҳлантириш), 152–153-моддалар ²	<p>Статья 152. Освидетельствование</p> <p>(1) Если для обнаружения следов преступления или особых примет на теле обвиняемого, подозреваемого, свидетеля или потерпевшего не требуется судебно-медицинская экспертиза, следователь выносит постановление об освидетельствовании лица.</p> <p>(2) Освидетельствование обвиняемого, подозреваемого, потерпевшего или свидетеля следователь производит в присутствии понятых, если в</p>	<p>152-модда. Гувоҳлантириш</p> <p>(1) Терговчи, агар айбланувчи, гумон қилинувчи, гувоҳ ёки жабрланувчи баданида жиноятнинг излари ва алоҳида белгиларни аниқлаш учун суд-тиббиёти экспертизаси ўтказиш лозим бўлмаса, шахсни гувоҳлантириш тўғрисида қарор чиқаради.</p>	<p>биринчидан: одамнинг баданидаги иш учун аҳамиятга молик хусусият ёки аломатларни, унинг жисмоний ривожланганлиги тўғрисидаги маълумотларни, доғларни, тирналган, шилинган қонталаш жойларни, шунингдек шахсининг мастлик ва бошқа физиологик ҳолатларини аниқлаш каби вазифалар гувоҳ-</p>

¹ Уголовно-процессуальный кодекс Украины. – Киев, 1998. <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

² Уголовно-процессуальный кодекс Эстонской Республики. <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

		<p>отношении этих лиц требуется применение принуждения, и в необходимых случаях с участием врача.</p> <p>(3) Освидетельствование, связанное с раздеванием соответствующего лица, производится с участием лиц того же пола.</p> <p>Статья 153. Протокол осмотра и освидетельствования О производстве осмотра и освидетельствования следователь составляет протокол, в котором описываются все действия следователя, а также обнаруженные при осмотре или освидетельствовании обстоятельства в той последовательности и в том виде, в каком они наблюдались в момент осмотра или освидетельствования.</p>	<p>(2) Терговчи айбланувчи, гумон қилинувчи, жабрланувчи ёки гувоҳни гувоҳлантиришни холислар иштирокида, агарда гувоҳлантириш бу шахсларга нисбатан мажбурий тартибда ўтказилаётган бўлса ва зарур ҳолларда, шифокор иштирокида ўтказди.</p> <p>(3) Гувоҳлантириш шахсни ечинтириш билан боғлиқ бўлса, бир хил жинсли катнашчилар иштирокида ўтказилади.</p> <p>153-модда. Қўздан кечириш ва гувоҳлантириш баённомаси Терговчи қўздан кечириш ва гувоҳлантириш ўтказилганлиги тўғрисида унинг барча ҳаракатлари ифодаланган баённома тузади, шунингдек, қўздан кечириш ва гувоҳлантириш жараёнида аниқланган нарсалар қандай бўлса шундайлигича, яъни қўздан кечириш ва гувоҳлантириш жараёнидаги кўриниши акс эттирилади.</p>	<p>лантиришнинг вазифаларига киритилмаган.</p> <p>иккинчидан: агарда гувоҳлантириш мажбурий тартибда ўтказилса, шифокор иштирок этиши лозимлиги белгиланган.</p> <p>учинчидан: агарда гувоҳлантириш шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган бўлса, фақат холислар эмас балки гувоҳлантиришнинг барча иштирокчилари гувоҳлантирилувчи билан бир жинсда бўлишлари белгилаб қўйилган.</p>
--	--	--	--	---

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Абдумажидов Г. А. Проблемы совершенствования предварительного расследования. – Т., 1975.

Абдумажидов Г. А. Развитие законодательства о расследовании преступлений. – Т., 1974.

Абдумажидов Г. А. Расследование преступлений (процессуально-правовое исследование). – Т., 1986.

Астанова Л. И. Теоретические основы охраны прав личности в уголовном процессе и их реализация в правоприменительной деятельности. – Т., 1997.

Баканова Л. П. Криминалистика. Часть I., – Т., 2005.

Бакиров Ф. Чор Туркестонида суд, шариат ва одат. – Т., 1967.

Бурхониддин Маргиноний. Ҳидоя. Т. 2. – Т., 1893.

Гаврилин Ю. В., Шурухнов Н. Г. Криминалистика: Методика расследования отдельных видов преступлений. – М., 2006.

Жалолов Ж. Ж. Суд тиббиёти. – Т., 1996.

Жиноят процесси: Дарслик / юридик фанлар номзоди, доцент З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида – Т., 2003.

Зайнутдинова Д. Т., Нажмитдинов Р. З. Процессуал ҳужжатларнинг стилистик моделлари: Ўқув қўлланма. – Т., 2008.

Иноғомжонова З. Ф., Тўлаганова Г. З. Жиноят процесси муаммолари. – Т., 2006.

Инсон ҳуқуқлари: Халқаро ҳужжатлар тўплами / Тузувчи: Ю.С.Пўлатов. – Т., 1995.

Баканова Л. П., Маматқулов Т. Б. ва бошқ. Криминалистика: Маърузалар курси. 1-қисм. – Т., 2005.

Аверьянова Т. В., Белкин Р. С. и др. Криминалистика. 2-е изд. – М., 2006.

Криминалистика тактикаси: Дарслик. – Т., 1996.

Лупинский П. А. Уголовный процессуальное право Российской Федерации. 3-е изд. – М., 1999.

Мирзаев Т. Криминалистика тактикаси: Ўқув қўлланма. – Т., 2000.

Миренский Б., Асамутдинов А., Камалходжаев Ж. Жиноят процессида далиллар назарияси муаммолари: Дарслик. – Т., 2002.

Пўлатов Ю. С. Инсон ҳуқуқлари муҳофазаси ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро конвенциялар: Халқаро ҳужжатлар тўплами. – Т., 1995.

Семенов В. А. Следственные действия: Учебное пособие. – Екатеринбург, 2003.

Колкутин В. В., Зосимов С. М. и др. Судебные экспертизы (Изд. второе, доп.). – М., 2006.

Торбин Ю. Г., Баранов Е. В. Освидетельствование подозреваемого на предварительном следствии. – Киев, 1981.

Тухташева У. А. Уголовный процесс. – Т., 2007.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ-4850-сонли «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПФ-5268-сонли «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

Уголовно-процессальный кодекс РСФСР. – М., 1922.

Уголовно-процессальный кодекс РСФСР. – М., 1923.

Уголовно-процессальный кодекс Узбекской ССР. – Т., 1926.

Уголовно-процессальный кодекс Узбекской ССР. – Т., 1929.

Уголовно-процессальный кодекс Узбекской ССР. – Т., 1959.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2018 йил 1 февралгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан қайта нашри). Расмий нашр. – Т., 2018.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т. 5. – Т., 2006.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. – Т., 1997. – 380 б.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ / М.Ю.Абдусаломов, Б.Т.Акрамходжаев ва бошқ. – Т., 2001.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси: Дарслик // Б.А.Миренский, А.Х.Раҳмонқулов, Д.Камалходжаев, В.В.Кадирова ва бошқалар. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Т., 2012.

Жиноят-процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. / Дарслик / Б.Х.Пулатов, У.А.Тухташева, Г. З. Тулаганова ва бошқ. – Т., 2017.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар / Нашр этиш учун масъул У. Таджиханов. – Т., 2000.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар / Масъул муҳаррир: проф. Ғ. А. Абдумажидов. – Т., 2009.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига шарҳлар. – Т., 2000.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар: Тўплам / Масъул муҳаррир А. Х. Саидов. – Т., 2004.

Ғиёсов З. А., Ботаев Ж. И., Саидов Ч. Ш. Суд тиббиёти ва психиатрияси. Икки жилдли. 1-жилд. Суд тиббиёти: Дарслик. – Т., 2006.

Уголовно-процессуальный кодекс Республики Армения, принят 01.07.1998, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджана, принят 14.07.2000, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

Уголовно-процессуальный кодекс Беларусь. – Минск, 19.07.1999, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова. – 2003, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. – СПб, 2005.

18.12.2001., <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

Уголовно-процессуальный кодекс Республики Туркменистан. – 2008, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

Уголовно-процессуальный кодекс Украины. – Киев, 1998, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

Уголовно-процессуальный кодекс Эстонской Республики. <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызстана // Ведомости Жогорку Кенеша Кыргызской Республики. – 1999. – № 10. – С. 229–243, <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

Албания Жиноят-процессуал кодекси, 05.04.1995, Criminal Procedure Code of the Repablik of Albania (English version), <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

Франция Жиноят-процессуал кодекси, 15.09.2003, Criminal Procedure Code of the French Repablik (English version), <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

Норвегия киролиги Жиноят-процессуал кодекси, 17.07.1998, Criminal Procedure Code of the Kingdom of Norway (English version), <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

Германия Жиноят-процессуал кодекси, 07.09.1998, Criminal Procedure Code of the Federal Repablik of Germany (English version), <http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes>.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	3
1-§. Гувоҳлантириш тергов ҳаракатининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари.....	5
2-§. Гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказишнинг процессуал-ҳуқуқий асослари.....	11
3-§. Гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказиш тартибига оид хорижий мамлакатлар қонун нормаларининг таҳлили.....	24
4-§. Гувоҳлантириш ўтказишнинг процессуал, ташкилий ва тактик хусусиятлари.....	32
5-§. Гувоҳлантириш натижасида олинган маълумотлардан исботлашда фойдаланиш.....	45
ИЛОВА.....	55
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	65

***РАЖАБОВ Бахтиёр Алмахматович,**
юридик фанлар номзоди*

ГУВОҲЛАНТИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА ТАКТИКАСИ

Ўқув қўлланма

*Муҳаррир **С.С.Қосимов**
Техник муҳаррир **Д. Р. Джалилов***

Босишга рухсат этилди 10. 05. 2018. Нашриёт ҳисоб табағи 4,5.
Адади 30 нусха. Буюртма № . Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.